БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

6-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 257 (1519)
29 ДЕКАБРЬ
СЕШАНБА
1959 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 тийин

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми колхозчиларни, совхоз ишчиларини, қишлоқ хўжалик мутахассисларини, барча меҳнаткашларни, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларини ўзларининг ижодий ғайратларини етти йиллик план топшириқларини муддатидан олдин бажариш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини мўл-кўл қилиб етиштириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларни бажаришга қаратишга, мамлакатимизда коммунизм қуриш йўлидаги умумхалқ кураши ишига муносиб ҳисса қўшишга чақиради.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

(КПСС XXI съездининг ва Марказий Комитет декабрь (1958 йил) Пленумининг деҳқончиликни юксалтириш ва дон, қанд лавлаги, пахта ва бошқа техника экинлари, картошка, сабзавот, мева, узум ва бошқа ўсимлик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш тўғрисидаги; жамоат чорвачилигини ривожлантириш ҳамда гўшт, сут, жун, тухум ва чорвачиликнинг бошқа маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш ҳақидаги; колхоз ва совхозларни кадрлар билан мустаҳкамлаш ҳақидаги; қишлоқ хўжалигини янада механизациялаш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш тўғрисидаги; колхозларнинг жамоат хўжалигини мустаҳкамлаш ва колхозчиларнинг моддий фаровонлигини ошириш тўғрисидаги қарорларини бажариш тадбирлари ҳақида).

КПСС Марказий Комитети Пленумининг 1959 йил 25 декабрда қабул қилган қарори

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми шуни мамнуният билан қайд қиладики, коммунистик қурилишнинг жуда катта программасини белгилаб берган КПСС XXI съездидан кейин ўтган даврда саноатни, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда, халқ фаровонлигини юксалтиришда, Совет давлатининг тинчликсевар ташқи сиёсатини амалга оширишда янги эўр муваффақиятлар қўлга киритилди.

Қаҳрамон ишчилар синфининг куч ва ғайрати билан 1959 йилнинг 11 ойи ичида саноат ишлаб чиқариш плани ошириб бажарилди. Саноат маҳсулоти пландан ташқари 40 миллиард сўмликдан кўпроқ ишлаб чиқарилди. Шу вақт ичида саноат маҳсулоти чиқариш ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан планда кўзда тутилган 7,7 процент ўрнига 11,3 процент кўпайди. Шундай қилиб, етти йилликнинг биринчи йилидаги ишларнинг якуни саноатимиз етти йиллик планнинг контроль рақамларида мўлжалланганига қараганда хийли тез суръатлар билан ривожланиб бораётганлигини кўрсатади. Саноатда ва қурилишда техникани тез тараққий эттириш соҳасида партия ишлаб чиққан программа муваффақиятли равишда амалга оширилмоқда. Меҳнат унумдорлигини ошириш ҳамда маҳсулот таннархини ва қурилиш қимматини камайтириш соҳасида план топшириқлари ошириб бажарилмоқда. Бу йил эришилган муваффақиятлар халқ хўжалигини ривожлантиришнинг етти йиллиннинг иккинчи йили учун мўлжалланган планида саноат ишлаб чиқаришининг даражасини илгари 1960 йил учун мўлжалланган контроль рақамлардан анча ошиқ қилиб белгилашга имкон берди.

Қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш соҳасида партия XXI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг (1958 йил) декабрь Пленуми ишлаб чиққан тадбирлар совет кишиларининг ишлаб чиқариш активлигини мисли кўрилмаган даражада кучайтириб юборди. КПСС съездининг қарорларидан руҳланган қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари етти йиллик план топшириқларини муддатидан олдин, тўрт-беш йил ичида бажариш учун ҳамда аҳоли жон бошига гўшт ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштириш жиҳатидан АҚШга қисқа муддат ичида етиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб юбордилар. Колхозлар ва совхозлар 1959 йилда баҳори экинлар экиш планини ошириб бажардилар. Бу йил барча қишлоқ хўжалик экинлари экилган умумий майдон 196 миллион гектарни ташкил қилди ёки 1953 йилдагидан қариб 40 миллион гектар кўпайди. Маккажўхори экилган майдон 22 миллион гектардан ошиб кетди. Мамлакатнинг йирик бир қанча галлакор районларида қурғоқчилик бўлганлигига қарамай, бу йил давлат галлани етарли миқдорда харид қилди.

Жамоат чорвачилиги тез суръатлар билан ривожланмоқда. Колхозларда ва совхозларда 1959 йилнинг 11 ойи ичида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан гўшт 32 процент кўп, сут 15 процент кўп, тухум 25 процент кўп, жун 11 процент кўп етиштирилди. Чорвачиликнинг ҳамма маҳсулотларини харид қилиш давлат плани ошириб бажарилди.

1959 йилда мамлакатда 62 миллион тонна сут етиштирилади. Бу эса АҚШда етиштирилаётган сутнинг ялпи миқдоридан 5 миллион тоннадан зиёдроқ ортиқ бўлади. Бу йил етиштирилган мой 845 минг тоннани ташкил қилди ёки аҳоли жон бошига 4 килограммлан мой етиштирилди. Бу — АҚШда аҳоли жон бошига етиштирилган мойнинг миқдоридан ортиқдир, АҚШда эса аҳоли жон бошига тахминан 3,7 килограммдан мой етиштирилади.

Колхозлар ва совхозлар чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни ва давлатга сотишни кўпайтириш билан бир қаторда, бу йил маҳсулдор чорва молларнинг умумий сонини анча кўпайтиришга эришдилар. 1959 йилнинг 1 декабрига қадар ўтган йилнинг шу жумладан сигирлар сони 13 процент, чўчқалар сони 19 процент, қўй ва эчкилар сони 5 процент ҳамда парранда сони 33 процент кўпайди. Асосан маккажўхори экиш кенгайтирилганлиги ва унинг ҳосилдорлиги ошганлиги ҳисобига ем-хашак базаси мустаҳкамланганлиги чорвачиликни юксалтиришнинг ҳал қилувчи шарти бўлди.

Қишлоқ хўжалигининг техника билан таъминланганлиги анча ошди. Колхозлар ўз техникасига эга бўлиб қолганлиги колхоз ишлаб чиқаришини янада юксалтирмоқ учун энг муҳим воситаларнинг бири бўлди. Бу чора амалга оширилганлиги колхоз тузумининг асл моҳиятида бўлган афзалликларни ишга солмоқ учун, колхоз қишлоғининг коммунизм сари ҳаракат қилишидаги иқтисодий ва сиёсий вазифаларни тағин ҳам жадалроқ ҳал қилмоқ учун янги имкониятлар яратиб берди.

Партиямиз социалистик қишлоқ хўжалигининг ҳамма участкаларини мутахассислар ва ташкилотчиларнинг тажрибали кадрлари билан мустаҳкамлаш соҳасида кейинги йилларда катта ташкилотчилик ишларини амалга оширди. Колхозлар ва совхозларда бир талай яхши раҳбарлар ўсиб етишди. Ҳозир колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришида олий ва ўрта махсус маълумотли 300 мингдан кўпроқ мутахассис ишламоқда. Колхоз раислларининг ярмидан кўпи ва совхоз директорларининг қарийб 90 проценти олий ва ўрта махсус маълумотга эгадир.

КПСС Марказий Комитети Пленуми деҳқончиликни ва чорвачиликни юксалтириш ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш тўғрисида КПСС XXI съезлининг ва КПСС Марказий Комитети декабрь (1958 йил) Пленумининг қарорлари қандай бажарилаётганлиги тўғрисида РСФСР Министрлар Совети, Украина, Қозоғистон, Белоруссия, Ўзбекистон, Тожикистон ва Озарбайжон Компартиялари Марказий Комитетларининг докладларини тинглаб ва муҳокама қилиб, қайд қиладики, шу республикаларнинг партия ташкилотлари, совет ва қишлоқ хўжалик органлари қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш ҳамда етти йиллиннинг биринчи йили учун қабул қилинган план топшириқларини ва мажбуриятларни бажариш тадбирларини ишлаб чиқиб, амалга оширдилар.

Россия Федерацияси ва Украина республикасининг партия, совет, қишлоқ хўжалик органлари, колхозлари ва совхозлари дон хўжалигини ривожлантириш ва мамлакатни галла билан таъминлаш, қанд лавлаги ҳамда бошқа техника экинлари ҳосилини етиштиришни кенгайтириш соҳасида анча иш қилдилар.

Дон етиштиришни кўпайтирмоқ учун катта имкониятлар ва резервлари бўлган Қозоғистон республикасида бу йил яхши ҳосил етиштирилган эди, лекин қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишда жиддий камчиликлар бўлганлиги, ташкилотчилик ишининг савияси паст бўлганлиги сабабли ҳосил ўз вақтида ўриб-йиғ қўйилди ва катта майдонларда галла ўриб олинмай, қор тагида қолиб кетди. Республика ўз мажбуриятларини бажариш учун ёқда турсин, ҳатто галла харид қилиш давлат планини ҳам бажармади.

Россия Федерацияси ва Белоруссия республикасида айниқса йирик шаҳарлар ва саноат марказлари атрофида ташкил этилган ихтисослаштирилган совхозларда сабзавот ва картошка етиштириш кўпайтирилди.

Ўзбекистон ва Тожикистон республикалари пахта етиштиришни кўпайтиришда катта муваффақиятларга эришдилар. Бу йил пахтакор районларнинг колхозлари ва совхозлари йиллик планни ошириб бажариб, давлатга 4 миллион 669 минг тонна — мамлакатимиздаги пахтачиликнинг бутун тарихида энг кўп миқдорда пахта сотдилар.

Россия, Украина, Қозоғистон, Ўзбекистон, Грузия, Озарбайжон, Молдавия, Тожикистон, Қирғизистон, Арманистон ва Туркманистон республикаларининг колхозлари ва совхозлари узум, мева ва чой етиштиришни кўпайтиришда жиддий ютуқларга эришдилар.

Гўшт етиштириш соҳасида анча катта муваффақиятлар қўлга киритилди. Колхозлар ва совхозларда гўшт етиштириш шу йилнинг 11 ойи ичида Россия Федерациясида 35 процент, Украина ССРда 30 процент, Қозоғистон ССРда 37 процент, Белоруссия ССРда 31 процент, Ўзбекистон ССРда 13 процент, Грузия ССРда 9 процент, Озарбайжон ССРда 12 процент, Литва ССРда 32 процент, Молдавия ССРда 9 процент, Латвия ССРда 39 процент, Қирғизистон ССРда 32 процент, Тожикистон ССРда 22 процент, Арманистон ССРда 5 процент, Туркманистон ССРда 6 процент, Эстония ССРда 42 процент кўпайди. Сут, жун ва тухум етиштириш ҳам кўпайди.

Рязань области меҳнаткашлари жамоат чорвачилигини юксалтириш учун курашда партия ташкилоти раҳбарлигида жуда катта галабага эришдилар. Улар 1959 йил ичида колхоз ва совхозларда гўшт етиштиришни 3,8 баравар кўпайтириб, ўз зиммаларига олган юксак мажбуриятнй шараф билан бажардилар ва давлатга ҳаммаси бўлиб 1958 йилдагига қараганда уч баравар кўп гўшт сотдилар. Рязань области меҳнаткашларининг бу ажойиб намунаси ҳар бир колхоз, совхозда, ҳар бир районда ва ҳар бир областда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш соҳасида нақадар катта резервлар борлигини яққол кўрсатиб турибди.

Етти йиллик топшириқларини муддатидан олдин бажариш учун ўтказилаётган умумхалқ мусобақасида илғор колхозлар ва совхозлар, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг новаторлари деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кескин равишда кўпайтирмоқ учун жуда катта резервлардан моҳирлик билан фойдаланиш намуналарини кўрсатмоқдалар.

Тамбов областида ўртоқ Е. И. Андреева раҳбарлик қилаётган Коминтерн номли колхоз ўз мажбуриятини муддатидан бир йил олдин бажарди ва қишлоқ хўжалигига яроқли қар 100 гектар ерга ҳисоблаганда 171 центнердан гўшт ҳамда 350 центнердан сут етиштириб берди.

Рязань областида ўртоқ А. И. Ефремова раҳбарлик қилаётган Киров номли колхоз 1959 йилда гўшт етиштиришни 4,5 баравар кўпайтириб, қишлоқ хўжалигига яроқли қар 100 гектар ерга ҳисоблаганда 173 центнердан гўшт етиштирди ва давлатга 346 центнерлан сут сотди.

Львов областидаги Шевченко номли колхознинг чўчқа боқувчиси Ярослав Чиж шу йилнинг 11 ойи ичида давлатга 560 центнерлан кўпроқ чўчқа гўшти топширди ва 1960 йилда бир минг центнер, 1961 йилда эса 2,5 минг центнер чўчқа гўшти топшириш тўғрисида мажбурият олди.

Чорвачиликнинг бу новатори қилаётган ишдаги айниқса қимматли нарса шуки, у чўчқани семиртириб одаётган гўштнинг таннархини пасайтириб, бу йил чўчқа гўштининг ҳар бир центнерини 224 сўмга туширди. Ўртоқ Чиж чўчқаларни боқиш рационини оқилона тузганлиги туфайли шундай натижага эришди. У тузган рационда ширадор арзон озуқалар кўпчиликни ташкил қилмоқда, чўчқани семиртириб олинган гўштнинг ҳар бир центнерига эса бу йил фақат 2,7 центнер концентрат озуқа сарфланди. Чўчқаларни катта-катта тўдаларга бўлиб, ҳар бирига алоҳида охир қилмай боқиш усулини қўлланиш, меҳнатни кўп талаб қиладиган ишларни механизациялаш меҳнат сарфлашни кескин равишда камайтиришга имкон берди.

Омск областидаги «Победитель» совхозининг чўчқа боқувчиси Татьяна Перешивко ўн бир ой ичида 2.076 чўчқани боқиб семиртирди ва давлатга 1972 центнер чўчқа гўшти топширди.

Калинин областидаги «Большевик» совхозининг чўчқа боқувчиси Валентина Белова бу йил 1.500 та чўчқани боқиб семиртириб, давлатга 1200 центнер чўчқа гўшти топшириш мажбуриятини олган эди. У ўз мажбуриятини бажарди.

Латвия ССРнинг «Катениеки» совхозида чўчқа боқувчи Антон Бартулис 2.014 чўчқани боқиб семиртириб, давлатга 2 минг центнер чўчқа гўшти топширди. Келгуси йилда у 3 минг чўчқани боқиб семиртириш ва давлатга камида уч минг центнер чўчқа гўшти топшириш мажбуриятини олди.

Харьков областидаги «Борки» совхозининг парранда боқувчиси Бера Сидора 1959 йилда тухум қиладиган 6 минг товуқни бир ўзи боқмоқда ва шу товуқлардан бир миллион дона тухум олди. У 1960 йилда 12 минг товуқ боқиб, 2 миллион дона тухум етиштириб бериш мажбуриятини олди.

Рязань областидаги «Фундамент социализма» колхозининг донгдор сут соғувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Прасковья Коврова бу йил ҳар бир сигирдан ўрта ҳисобда 8.259 килограммдан сут соғиб олди.

Сталинград областидаги «Красное Сормово» колхозининг сут соғувчиси Вера Рибачек шу йилнинг ўн бир ярим ойи ичида ҳар бир сигирдан 5.100 килограммдан сут соғиб олди. У Валентина Гаганованинг ўрнак олиб, ўзига бириктириб қўйилган сердсут сигирларнинг бир группасини бошқа сут соғувчига топшириб, ўзи камсут сигирлардан бир группасини қабул қилиб олди ва шу сигирларнинг ҳар қайсисидан йилига камида 6 минг килограммдан сут соғиб олишга сўз берди.

Ставрополь ўлкасидаги Сталин номли колхознинг бош чўпони Иван Малашенко қўйларни кўпайтириб боқишни ташкил этди ва 1958—1959 йилларда ҳар 100 совлиқ қўйдан 374 тадан қўзи олди. Унинг отарида йилига ҳар бир қўйдан ўрта ҳисобга 10 килограммга етказиб жун қирқиб олинди.

Маккажўхори ва бошқа экинларни парвариш қилишни механизациялашда катта муваффақиятларга эришган донгдор механизаторлар Николай Мануковский ва Александр Гиталов колхоз ишлаб чиқаришининг ҳамма тармоқларини комплекс механизациялаш ташаббускорлари бўлдилар.

Механизаторлардан Валентин Тюпко, Турсуной Охунова, Меликўзи Ўмурзоқов, Самад Қурбонов, Абубакир Болабоев ва бошқаларнинг ғўзани парвариш қилишда эришган жуда катта ишлаб чиқариш муваффақиятлари зўр аҳамиятга эга.

Ёш колхозчи-механизатор Турсуной Охунова Тошкент областининг Киров номли колхозида бу йил терим машинасида 210 тонна пахта терди. У 1960 йилда ўзининг механизаторлар бригадаси билан 100 гектар ердаги ғўзани чигит экишдан бошлаб то пахтани машинада териб олгунча ғўза қатор ораларини кетмонсиз ишлаб бериш мажбуриятини олди. У бошчилик қилган бригада 1960 йилда 500 тонна ёки ҳар гектаридан 50 центнердан пахта етиштиришга сўз берди.

Кўп районлар, колхозлар, совхозлар, ишлаб чиқариш новаторлари катта майдонларда маккажўхоридан мўл ҳосил етиштирдилар. Красноярск ўлкасининг Ермаковский, Каратузский, Курагинский, Краснотуранский, Рибинский, Саянский, Минусинский районларида маккажўхорининг ҳар бир гектаридан 300 центнердан ошиқ кўкпоя олинди. Минусинский районининг Сталин номли колхозида механизаторлар Н. Филиппов ва Н. Мягких Мануковский билан мусобақалашиб бу йил қўл меҳнати ишлатмай 153 гектар майдонда маккажўхорининг ҳар бир гектаридан 600 центнердан кўпроқ кўкпоя олдилар. Ермаковский районидаги Сталин номли колхозда звено бошлиғи М. Селёзнев эса қўриқ қайир ерларда 110 гектарга маккажўхори экиб, унинг ҳар бир гектаридан 1.300 центнердан кўкпоя олди.

Тернополь областида 38 минг гектар майдоннинг ҳар бир гектарида маккажўхоридан ўрта ҳисобда 40 центнердан дон ҳосили етиштирилди, 100 минг гектардан кўпроқ майдонда эса ҳар бир гектардан сўталари билан бирга 550 центнердан кўкпоя олинди. Залещчикский районидаги Москванинг 800 йиллиги номли колхозда Петр Мотрук звеноси 15 гектар ерга маккажўхори экиб, ҳар бир гектардан 221 центнердан дон ҳосили олди, 65 гектар майдондаги маккажўхорининг ҳар бир гектаридан эса сўталари билан бирга 1.460 центнердан кўкпоя олди. Мельнице-Подольский районидаги Сталин номли колхозда Евгений Долинюк звеноси 105 гектар майдонда маккажўхорининг ҳар бир гектаридан 1.605 центнердан кўкпоя олди ва 20 гектар майдондаги маккажўхорининг ҳар бир гектаридан 223 центнердан дон олди.

Ҳамма республикаларда, ўлкаларда ва областларда қишлоқ хўжалигининг турли тармоқларида юксак меҳнат унумдорлигининг намуналарини кўрсатаётган мингларб ишлаб чиқариш новаторлари бор. Уларнинг ажойиб намунаси барча қишлоқ хўжалик меҳнаткашларини қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш учун, мамлакатимизда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини мўл-кўл қилиш учун курашда, янги қаҳрамонликлар кўрсатишда руҳлантирмоқда.

Илғор колхозлар ва совхозларнинг, ишлаб чиқариш новаторларининг тажрибаси, уларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришни кўпайтиришдаги муваффақиятлари етти йиллик топшириқлари ва бу топшириқларни муддатидан олдин адо этиш тўғрисида олинган мажбуриятлар ҳар бир колхоз ва совхозда, ҳар бир область ва республикада муваффақиятли равишда бажарилиши мумкинлигига ишонч туғдирмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми республикалар, областлар, илғор районлар, колхозлар, совхозлар ва ишлаб чиқариш новаторларининг анча муваффақиятларга эришганликларини қайд қилиш билан бирга, кўп областларда, районлар, колхозлар ва совхозларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун бўлган резервлар ва имкониятлардан тўла равишда фойдаланилмаганлигига ва олинган мажбуриятларни бажаришда орқада қолишга йўл қўйилганлигига эътиборни жалб қилади.

Мамлакатда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш умуман кўпайгани ҳолда, бир қанча республикалар, ўлкалар ва областлар бу йил шу маҳсулотларни етиштиришни етарли равишда кўпайтирмадилар. 1959 йилнинг ўн бир ойи ичида ўтган йилнинг шу даврилагига нисбатан колхозлар ва совхозларда гўшт етиштириш Туркманистон ССРда атиги 6 процент, Арманистон ССРда 5 процент, Томск областида 5 процент кўпайди, Новосибирск ва Брянск областларининг колхозлари ва совхозларида эса гўшт етиштириш ўтган йилдагига нисбатан ҳатто камайди.

Кўп областлар, ўлкалар ва республикаларда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги асосий камчилик шуки, колхозлар ва совхозларнинг хўжалик фаолияти даражасида катта хилма-хиллик бор. Жамоат хўжалигини юксак даражада олиб бораётган ва қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришни тиммай кўпайтираётган илғор колхозлар ва совхозлар билан бир қаторда, илғор колхозлардан анча орқада қолаётган, ернинг ҳар юз гектарига ҳисоблаганда маҳсулотларни кам етиштириб бераётган иқтисодий заиф хўжаликлар ҳали ҳам оз эмас. Кўпинча бир-бирига қўшни бўлган, шароити бир хилда бўлган колхозлар, совхозлар ва районлар қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини, чорвачиликнинг маҳсулдорлиги, сарф қилинаётган меҳнатнинг миқдори ва маҳсулотнинг таннархи соҳасида бир-биридан жуда катта фарқ қиладиган кўрсаткичларга эгадирлар.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини мўл-кўл қилиш вазифаси кўндаланг қилиб қўйилган ҳозирги пайтда иқтисодий заиф колхозларни илғор колхозлар даражасига етказиб олиш иши ғоят катта аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. Ҳар бир колхоз ва совхозда, ҳеч бир истисносиз ҳамма районлар, областлар, ўлкалар ва республикаларда маҳсулот етиштиришни энг юқори даражада кўпайтиришни таъминлаш лозим. Бунинг учун қолоқ колхозлар ва совхозларни ишни ташкил қилишга, деҳқончилик ва чорвачилик маданиятини кескин равишда юксалтиришни таъминлашга лаёқатли бўлган тажрибали, малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш ҳал қилувчи шартдир.

Илғор колхозлар ва совхозларнинг тажрибаси шуни яққол кўрсатиб турибдики, деҳқончилик ва чорвачилик маданияти аввало ишлаб чиқаришни моҳирлик билан ташкил этишга, бор резервлардан энг тўлиқ фойдаланишга ҳамда фан муваффақиятларини ва илғор практикани кенг жорий қилишга боғлиқдир. Аммо қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини бошқаришнинг энг оддий талаблари қўпол равишда бузилаётганлигини кўрсатувчи кўнгина фактлар бор: экиш муддатларига риоя қилинмаётир, маҳаллий ўғитлардан ёмон фойдаланилмоқда, тупроқни паст сифатли қилиб ишлашга йўл қўйилмоқда, ўрим-йиғим ишлари чўзиб юборилмоқда, далалардан похол ўз вақтида йиғиштириб олинмаётир, ёзги ва кузги шудгор қилиш планлари систематик равишда бажарилмаётир.

Ерлардан хўжасизларча фойдаланишга ҳали хотима берилган эмас. РСФСРнинг бир қанча областларида (Вологда, Новгород, Псков ва бошқа баъзи областларда), Латвия ССРда ва Эстония ССРда қишлоқ хўжалигига яроқли бўлган ва илгари ташлаб қўйилган ерларни яна ишга солиш у ёқда турсин, ҳатто ҳайдалаётган ерлар янада камайиб кетмоқда ва экин майдонлари озайиб бормоқда.

Кўп колхозлар ва совхозларда чорва молларни, айниқса қорамолларни урчитиб кўпайтириш қониқарсиз ташкил этилган; фермаларда сигирларнинг сони секин кўпаймоқда, бунинг натижасида қишлоқ хўжалигига яроқли ҳар юз гектар ерга тўғри келаётган сигирларнинг сони ҳали ҳам жуда оз. Липецк, Кемерово, Шимолий Қозоғистон ва бошқа баъзи областлардаги ҳамда Ставрополь ўлкасидаги колхозлар ва совхозларда қишлоқ хўжалигига яроқли ҳар юз гектар ерга 2—4 тадан сигир тўғри келади, холос.

Грузия, Озарбайжон, Қирғизистон, Тожикистон иттифоқчи республикаларининг колхозлари ва совхозларида жамоат чорвачилиги секин ривожланмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми шуни қайд қиладики, кўпгина совхозлар, колхозлар ва қишлоқ хўжалик органларининг раҳбарлари колхоз ва совхоз фермаларидаги чорва моллар сонининг сифатини тез яхшиламоқ учун зотли молларни кўпайтириш ва сунъий қочиришнинг муҳимлигига етарли аҳамият бермаётирлар.

Бир қанча областлар, ўлкалар ва республикаларда мустаҳкам ем-хашак базаси вужудга келтириш вазифаси ҳали тўла равишда ҳал қилинганги йўқ. Бунинг сабаби шуки, баъзи колхозлар ва совхозларнинг раҳбарлари жамоат чорвачилигини озуқа билан таъминламоқ учун маккажўхорининг аҳамиятига ҳали ҳам етарли баҳо бермаётирлар, маккажўхори экиб, уни парвариш қилиш ишларини паст агротехника даражасида олиб бормоқдалар ва кам ҳосил олмоқдалар. Кўп колхозлар ва совхозларда анча катта майдонларда маккажўхори сўтаси думбул бўлмасдан туриб ўриб-йиғиб олинмоқда, бунинг натижасида ҳосил анча кам миқдорда олинмоқда ва силоснинг тўқ тутиш сифати камайиб кетмоқда.

Қўриқ ерлар ўзлаштирилаётган районларда гўшт, сут, жун, тухум етиштиришни анча кўпайтирмоқ учун катта резервлар бор. Бироқ, шу районлардаги колхозлар ва совхозларнинг кўпчилигида чорвачилик ҳали ҳам секин ривожланмоқда.

Комплекс механизацияни кенг жорий қилиш қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини янада оширишнинг жуда муҳим шартидир. Бироқ, тракторсозлик ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги саноати, СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, илмий-тадқиқот институтлари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини комплекс механизациялаш вазифаларини тузук ҳал қилмаётирлар. Сталинград, Липецк, Калинин, Грузия, Рязань, Воронеж, Тошкент, Запорожье халқ хўжалик кенгашларининг заводлари, конструкторлик ва илмий-тадқиқот ташкилотлари тағин ҳам такомиллашган техникани — тез юрадиган тракторларни, осма машиналар ва деҳқончилик қуролларини, ўзиюрар шассиларни, картошкани кавлаб йиғиб берадиган комбайнларни ҳамда меҳнатни кўп талаб қиладиган ишларни янада механизациялаштирмоқ ва қишлоқ хўжалигида эскириб қолган, иш унуми кам техникани алмаштирмоқ учун зарур бўлган бошқа машиналарни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш топшириқларини бажармадилар.

Тракторлар, автомобиллар ва қишлоқ хўжалик машиналарига керакли запас қисмларни, резина-техника буюмларини, айниқса шиналарни ишлаб чиқариш ва сотишни ташкил этишдаги катта камчиликлар тугатилгани йўқ. Новосибирск, Ростов, Пенза, Брянск, Днепропетровск ва Винница Халқ хўжалик кенгашлари запас қисмлар ишлаб чиқариш планларини бажармадилар.

В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академияси, иттифоқчи республикаларнинг қишлоқ хўжалик фанлари академиялари, кўпгина илмий-тадқиқот ва ўқув институтлари қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг энг муҳим назарий проблемаларини тузук ишлаб чиқмаётирлар, ўз ишларини секинлик билан қайта қурмоқдалар, ишлаб чиқариш билан ҳали ҳам етарли равишда боғланган эмаслар. Илмий муассасаларнинг ишлари шундай ташкил этилганки, бунинг натижасида кўпгина илмий ходимлар ўз илмий тадқиқотлари ва тавсияларининг ишлаб чиқаришга жорий қилиниши учун масъулият сезмаётирлар. Кўпинча қишлоқ хўжалик тажриба станциялари, илмий муассасалар ва ўқув юртлари колхозлар ва совхозлар учун ибрат бўлмаётирлар, чунки уларда ишлаб чиқариш кўрсаткичлари уларга қўшни бўлган хўжаликлардаги кўрсаткичлардан паст бўлиб қолмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми кўпгина маҳаллий партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари ташкилотчилик ишларини тузук олиб бормаётганликлари, колхозларга ва совхозларга кўпинча эскича раҳбарлик қилаётганликлари деҳқончилик ва чорвачиликни ривожлантиришдаги камчиликларга кўп жиҳатдан сабаб бўлмоқда, деб ҳисоблайди. Улар ишлаб чиқаришнинг ташкилотчилари бўлиш, бутун янгиликни, илғор ташаббусларни практикага қунт билан жорий қилиш ўрнига партиянинг тадбирларини расмий равишда маъқуллаш билан, умумий чақириқлар билан чекланмоқдалар, камчиликларга нисбатан муросасозлик қилмоқдалар, колхозлар ва совхозлардаги ишларнинг аҳволига катта таъсир ўтказмаётирлар.

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА)

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

(КПСС XXI съездининг ва Марказий Комитет декабрь (1958 йил) Пленумининг деҳқончиликни юксалтириш ва дон, қанд лавлаги, пахта ва бошқа техника экинлари, картошка, сабзавот, мева, узум ва бошқа ўсимлик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш тўғрисидаги; жамоат чорвачилигини ривожлантириш ҳамда гўшт, сут, жун, тухум ва чорвачиликнинг бошқа маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш ҳақидаги; колхоз ва совхозларни кадрлар билан мустаҳкамлаш ҳақидаги, қишлоқ хўжалигини янада механизациялаш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш тўғрисидаги; колхозларнинг жамоат хўжалигини мустаҳкамлаш ва колхозчиларнинг моддий фаровонлигини ошириш тўғрисидаги қарорларини бажариш тадбирлари ҳақида).

КПСС Марказий Комитети Пленумининг 1959 йил 25 декабрда қабул қилган қарори

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА).

Бизнинг мамлакатимизда эндиликда қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини янада зўр куч билан юксалтирмоқ учун зарур шарт-шароитнинг ҳаммаси вужудга келтирилган. Аҳоли жон бошига гўшт, сут ва ёғ етиштириш жиҳатидан яқин йиллар ичида Америка Қўшма Штатларига етиб олиш ва ўзиб кетиш учун илғор колхозлар ва совхозларнинг ташаббуси билан бошланган умумхалқ ҳаракати тобора кенгаймоқда. Республикалар, ўлкалар ва областларда авж олиб кетган социалистик мусобақа етти йилликнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасидаги топшириқлари муддатидан олдин бажарилиши мумкинлигини кўрсатиб турибди.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми **қарор қилади:**

1. РСФСР Министрлар Совети (Ўртоқ Полянский), Украина КП Марказий Комитети (Ўртоқ Подгорний), Қозоғистон КП Марказий Комитети (Ўртоқ Беляев), Белоруссия КП Марказий Комитети (Ўртоқ Мазуров), Ўзбекистон КП Марказий Комитети (Ўртоқ Рашидов), Тожикистон КП Марказий Комитети (Ўртоқ Улжабоев), Озарбайжон КП Марказий Комитети (Ўртоқ Охундов) докладларида деҳқончилик ва чорвачиликни янада юксалтириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш соҳасида баён этилган тадбирлар ҳамда етти йиллик планни муддатидан илгари бажариш юзасидан олинган мажбуриятлар маъқуллансин.

Ушбу республикаларнинг партия ва совет органларига партия ташкилотларининг ва барча қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг куч-ғайратини КПСС XXI съездининг қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тўғрисидаги қарорларини бажариш соҳасида КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ишлаб чиққан ва маъқуллаган тадбирларни амалга оширишга қаратиш лозим.

2. Иттифоқчи республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка, область ва район партия комитетлари, республикалар Министрлар Советлари, ўлка, область ва район ижроия комитетлари зиммасига етти йилликнинг биринчи йилида эришилган натижаларни ҳисобга олиб, ҳар бир район, ҳар бир колхоз ва совхоз бўйича етти йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш, дон, қанд лавлаги, пахта ва бошқа техника экинлари, картошка, сабзавот, мева, узум ва бошқа ўсимлик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш; жамоат чорвачилигини ривожлантириш ва гўшт, сут, жун ҳамда тухум етиштиришни кўпайтириш; меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулотнинг таннархини камайтириш тадбирларини ишлаб чиқиш вазифаси юклансин. Бу тадбирлар мутахассисларнинг, ишлаб чиқариш новаторларининг, колхоз ва совхоз активларининг кенг иштироки билан ишлаб чиқилиши, колхозчиларнинг, совхоз ишчиларининг йиғилишларида, район, область ва ўлка партия комитетларининг пленумларида муҳокама қилиниши, иттифоқчи республикалар Компартиялари Марказий Комитетларида умумлаштирилиши ва КПСС Марказий Комитетига тақдим этилиши лозим.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш мақсадида резервларни аниқлаш ва сафарбар қилиш ҳар бир колхоз, ҳар бир совхоз ва район бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш вақтида асосий вазифа деб ҳисобласин. Меҳнат унумдорлигининг тобора ўсишини, маҳсулот единицасига маблағ ва меҳнатнинг камроқ сарфланишини ҳамда шу асосда етти йиллик топшириқларининг ҳар бир хўжалик бўйича муддатидан илгари бажарилишини таъминлаш мақсадида илғор хўжаликларнинг, ишлаб чиқариш новаторларининг тажрибасига, фан ютуқларига таяниб, техникадан яхшироқ фойдаланишни, деҳқончилик ва чорвачиликка прогрессив усулларни жорий қилишни кўзда тутиш зарур. Етти йилликнинг иккинчи йили — 1960 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш юзасидан белгиланган топшириқларнинг тўла ва ошириб бажарилишини таъминлашга алоҳида эътибор бериш керак.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида механизация ўса борган сари, колхозчиларнинг малакаси оша борган сари, меҳнатнинг ташкил қилинишн яхшилана борган сари колхозларда саноат корхоналарида бўлганидек, иш нормаларини ва меҳнат ҳақини систематик суратда қайтадан кўриб чиқиш ҳамда прогрессивроқ иш нормаларини ва меҳнат ҳақини белгилаш лозим. Бу тадбир меҳнат унумдорлигининг тобора ўсишини, жамоат хўжалигини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш ва колхозчиларнинг моддий фаровонлигини ошириш учун жамғармаларнинг кўпайишини таъминлайди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг кўпайиши ва бу маҳсулотлар таннархининг камайиши ҳамда айни вақтда колхозлар ва колхозчилар даромадининг ошиб бориши шу маҳсулотларнинг чакана нархларини камайтиришга имкон беради, бу эса бутун совет халқининг турмуш даражасини янада юксалтиришга яхши таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, колхозчиларнинг меҳнатига тўланадиган ҳақ шу район ёки областдаги ишчининг иш ҳақи даражасидан ошиб кетмаслиги лозим. Биргаликда меҳнат қилиб, мамлакатнинг моддий бойликларини яратувчи ишчи ва колхозчилар ўз фаровонликларини оширишда биргаликда қадам ташлаб боришлари лозим.

3. Товар донининг янада барқарор ресурсларини вужудга келтириш учун реал имкониятлар туғдириш мақсадида дон етиштиришни йилига камида 10—11 миллиард пудгача кўпайтириш маҳаллий партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг, колхоз ва совхозларнинг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблансин.

Бунинг учун янги ерларни ўзлаштириш, намлик зонада тоза шудгор ўрнига шудгор ерларни экин билан банд қилиб қўйиш ҳисобига, шунингдек кам ҳосил берадиган экинлар ўрнига серҳосил экинларни экиш ва маккажўхори экинларини кўпайтириш мақсадида экин майдонларининг структурасини қайтадан қараб чиқиш ҳисобига дон экинлари майдони кенгайтирилсин.

Барча колхоз ва совхозларда деҳқончилик маданияти қатъий равишда оширилсин, барча қишлоқ хўжалик ишларини ўтказиш муддатлари ва сифатига қатъий риоя қилинсин, маҳаллий ғўғ тўплаш кўпайтирилсин ва улардан яхшироқ фойдаланилсин, фақат сортли уруғлик экишга ўтилсин ва шу асосда дон экинлари ҳосилдорлигининг оширилишига ва ялпи ҳосилнинг барқарор бўлишига эришилсин.

4. Иттифоқчи республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари ва Министрлар Советлари, КПСС область ва ўлка комитетлари, область (ўлка) ижроия комитетлари зиммасига қанд лавлаги, пахта, ғиғир ва бошқа техника экинларининг экин майдонларини кенгайтириш ва ҳосилдорлигини ошириш чораларини кўриш вазифаси юклансин.

Картошка ва сабзавот етиштириш мамлакат эҳтиёжларининг тўла равишда қондирилишини таъминлайдиган миқдорда кўпайтирилсин, бу экинларни етиштириш бундан илгари ташкил этилган ихтисослаштирилган совхозларда ҳам, шаҳарлар ва саноат марказлари атрофида янги совхозлар ташкил қилиш ҳисобига ҳам бутун чоралар билан кўпайтирилсин.

Қулай табиий шароитга эга бўлган Шимолий Кавказ ва Закавказье, Украина, Молдавия ва Ўрта Осиё районларида мева, резавор ва узум етиштириш учун ихтисослаштирилган совхозлар ташкил қилиш ёки айрим колхозларни ихтисослаштириш кўзда тутилсин.

СССР Госплани боғдорчилик ва токчилик учун ўғит ва заҳарли химикатлар, шунингдек токларни кўтариш учун симлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш тадбирларини ишлаб чиқсин ҳамда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советига тақдим этсин.

5. Ўзбекистон ССР, Тожикистон ССР, Қирғизистон ССР, Туркманистон ССР, Озарбайжон ССР, Грузия ССР, Украина ССР Компартиялари Марказий Комитетлари ва Министрлар Советларининг ҳамда РСФСР Министрлар Советининг колхозларда пахта, чой барги, полиз экинлари, узум, мева ва жун етиштириш таннархини камайтириш соҳасидаги тадбирлари ҳамда уларнинг колхозлар томонидан давлатга сотиладиган баъзи қишлоқ хўжалик маҳсулотларига харид нархларини камайтириш ва уларни совхозлар томонидан топшириладиган маҳсулот нархларига яқинлаштириш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин. Бу тадбир келгусида халқ истеъмоли товарларининг давлат чакана нархларини камайтиришга ва шу тариқа, совет халқининг моддий фаровонлигини янада юксалтиришга имкон берали.

СССР Госпланига, СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, СССР Молия министрлигига иттифоқчи республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари ва Министрлар Советлари билан келишиб, бу масала юзасидан таклифларни уч ой муддат ичида ишлаб чиқиш ҳамда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советига тақдим этиш топширилсин.

6. Иттифоқчи республикаларнинг Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетлари, республикалар Министрлар Советлари, ўлка ва область ижроия комитетлари зиммасига яроқли ерларнинг ҳар 100 гектарига ҳисоблаганда гўшт, сут, ёғ, жун, тухум ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш ҳамда бу маҳсулотларнинг таннархини анча камайтириш мақсадида жамоат чорвачилигини янада ривожлантириш, колхоз ва совхоз фермаларида ҳамма турдаги чорва моллар ва паррандалар сонини кескин суратда кўпайтириш, мустаҳкам ем-хашак базасини вужудга келтириш, чорва молларнинг наслини яхшилаш ва маҳсулдорлигини ошириш, сунъий қочириш ишини яхшилаш, чорвачиликда янги прогрессив усулларни жорий қилиш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифаси юклансин. Шу мақсадда:

давлатга сотиш учун сергўшт қорамоллар етиштириладиган ихтисослаштирилган фермалар ва бригадалар ташкил қилинсин. Бу фермалар ва бригадаларда молларни қўлда ва яйловда бўрдоқига боқиш ташкил қилинсин ҳамда давлатга сотиладиган қорамолнинг тирик вазни камида 325 — 375 килограмм бўлиши таъминлансин;

қанд заводлари ва бошқа озиқ-овқат саноати корхоналари ҳузурида давлат, совхоз, колхоз ва колхозлараро молларни боқиб семиртириш пунктлари кенгайтирилсин;

совхозларда ва ихтисослаштирилган молларни боқиб семиртириш хўжаликларида давлат йўли билан харид қилинган молларни улғайтириш, боқиб семиртириш ташкил қилинсин.

Қишлоқда авж олдириб юборилган социалистик мусобақа 16 миллион тонна гўшт етиштириш юзасидан етти йиллик план топшириғининг муддатидан илгари — 1963 йилда бажарилишига ишонч туғдирали. Айни вақтда, аҳоли жон бошига гўшт етиштириш жиҳатидан АҚШ га етиб олиш вазифасини ҳал қилмоқ учун 20—21 миллион тонна гўшт етиштирилиши зарур. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми барча қишлоқ хўжалик меҳнаткашларини социалистик мусобақада олинган мажбуриятларни бажариш тартибида етти йиллик план топшириқларидан ташқари қўшимча суратда 4 — 5 миллион тонна гўшт етиштиришга даъват этади.

7. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш соҳасида партия XXI съезди белгилаган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун, аввало, механизациялаш ва электрлаштиришда техникани узлуксиз тараққий эттиришни таъминлаш, колхоз ва совхозларни комплекс механизациялаш учун зарур бўлган янги техника билан таъминлаш суръатини тезлаштириш ва шу асосда қишлоқ хўжалик ишларини ўтказиш муддатларини анча қисқартиш, деҳқончиликнинг умумий маданиятини ошириш, меҳнат унумдорлигининг янада ўсишига ва маҳсулот таннархининг камайишига эришиш зарур деб ҳисоблайди.

Тракторларнинг ва асосий қишлоқ хўжалик машиналарининг ишлаш тезлигини ошириш, бунинг учун тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналари ҳамда қуролларининг янги типларини яратиш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини механизациялашнинг умумий комплексида орқада қолган процессларни (дон тозалаш, маҳсулотни ортиш ва тушириш, пахта териш, лавлаги ва картошкани йиғиштириш, чорвачилик фермаларини комплекс механизациялаш, хўжаликнинг ички транспорти, боғдорчилик ва токчиликдаги ишларни механизациялаш ҳамда бошқа ишларни) бажариш учун зарур машина ва механизмлар билан колхоз ва совхозларни таъминлаш қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини механизациялашни ривожлантиришда яқин йиллар учун энг муҳим йўл бўлиши лозим.

СССР Госплани, СССР Министрлар Советининг автоматизация ва машинасозлик Давлат комитети ҳамда СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советлари билан биргаликда трактор саноати ва қишлоқ хўжалик машинасозлигида конструкторлик ва тажриба базаларини ривожлантириш тадбирларини ишлаб чиқсинлар ҳамда уларни бир ой муддат ичида КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети муҳокамасига тақдим этсинлар.

СССР Госплани зиммасига технология карталари асосида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг барча тармоқларини комплекс механизациялашни ва аввало, кўкламги экишни беш-олти кун ичида ва ғалла ўрим-йиғиминнинг 10 — 12 иш кунида ўтказилишини таъминлайдиган миқдорда тракторлар, машиналар ва механизмлар ишлаб чиқаришини ҳамда қишлоқ хўжалигига етказиб берилишини таъминлаш вазифаси юклансин.

СССР Госпланига ва СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига бу масала юзасидан таклифларни бир ой муддат ичида КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советига тақдим этиш топширилсин.

8. Биология, физика, кимё ва бошқа ёндош фанларнинг энг янги муваффақиятларидан тағин ҳам тўлиқ фойдаланиш асосида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарувчи кучларни юксалтиришни ва техникани тинимсиз тараққий эттиришни таъминлайдиган назарий тадқиқотларни ривожлантириш қишлоқ хўжалик фанининг энг муҳим вазифаси деб ҳисобласин.

СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академияси, қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи илмий-тадқиқот муассасалари ва ўқув юртлари зиммасига ишлаб чиқариш билан боғланишни ҳар томонлама кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, мутахассислар тайёрлашнинг сифатини ошириш, деҳқончилик ва чорвачилик маданиятини юксалтириш, хўжаликни олиб боришнинг янги прогрессив усулларини ва методларини, яъни яроқли ерларнинг ҳар 100 гектарига ҳисоблаганда қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришни энг кам меҳнат ва маблағ сарфлаган ҳолда кўпайтиришга ва экономикани тезроқ юксалтиришга имкон берадиган усуллар ва методларни умумлаштириш ва кенг жорий қилиш ишида колхозларга ва совхозларга берилаётган амалий ёрдамни кучайтириш вазифаси юклатилсин.

9. Пленум шуни қайд қиладики, кейинги вақтларда қишлоқда колхозлараро алоқалар кенг ривожланди, жуда кўп қурилиш ташкилотлари вужудга келди, бинокорлик материаллари ишлаб чиқарадиган, электр станциялар, йўллар, интернат-мактаблар, касалхоналар, болалар муассасалари қуриб берадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган, чорва молларни боқиб семиртирадиган корхоналар ташкил этилмоқда.

Колхоз тузумини янада ривожлантириш тадбирлари амалга оширилганлиги, машина-трактор станциялари қайта ташкил этилганлиги ва техника колхозларга сотилганлиги, маҳсулот тайёрлаш системаси ўзгартирилганлиги колхозларнинг жамоат хўжалигини янада ривожлантирмоқ, меҳнат унумдорлигини оширмоқ ва маҳсулот таннархини камайтирмоқ ҳамда шу асосда колхозчилар турмушининг моддий даражасини ва маданий савиясини кўтармоқ учун янги шарт-шароит вужудга келтирди.

Жамоат хўжалигини ривожлантиришда эришилган даражага асосланиб, пул даромадларидан колхозларнинг бўлинмас фондларига маблағ ажратишни, колхозчилар умумий йиғилишларининг қарорлари билан кўпайтира бориш мақсадга мувофиқдир. Бўлинмас фондлардаги пул маблағлари биринчи навбатда тракторлар, қишлоқ хўжалик машиналари ва ускуналар сотиб олишга, ишлаб чиқариш бинолари, ирригация-мелиорация иншоотлари, йўллар қуришга, асосий воситаларни капитал ремонт қилишга ҳамда колхоз экономикасини тез юксалтиришни, меҳнат унумдорлигини оширишни, хўжаликнинг кўпроқ товар маҳсулот беришини ва колхоз даромадларини оширишни таъминлайдиган бошқа тадбирларга, шунингдек колхозчилар учун ҳақини бўлиб-бўлиб тўлайдиган уйлар қуриб беришга сарфланадиган бўлсин. Бинокорлик материаллари ишлаб чиқарадиган, қишлоқ хўжалик хомашёсини қайта ишлайдиган корхоналар қуриш, йўллар, интернат-мактаблар, касалхоналар, маданият уйлари ва колхозлараро хизмат қиладиган бошқа иншоотлар қуриш учун колхозлараро фондлар яратишга бўлинмас фондлардан маблағлар ажратилсин.

Бўлинмас фондларга ажратмалар белгилашда нормал ишлаб чиқариш фаолиятини таъминламоқ учун колхозни яқин йиллар ичида ўз оборот маблағлари билан таъминлаш зарурлиги ҳисобга олинсин, шунингдек жамоат хўжалигини ривожлантиришдан колхозчиларни моддий манфаатдор қилиш принципига риоя қилинсин.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ўсиши, колхозларнинг ижтимоий даромадлари кўпайиб бораётганлиги, колхозчиларнинг фаровонлиги яхшиланаётганлиги билан бир қаторда, қишлоқда қурилиш кўпайиб ва кенгайиб бормоқда.

Лойиҳалаш ташкилотлари ҳозирдан бошлаб районлар ва колхознинг ўзида бўладиган қурилишларни планлаштиришнинг схемаларини ишлаб чиқишга киришмоқлари зарур. Бу схемаларда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва ихтисослаштириш истиқболлари, ишлаб чиқариш ва жамоатчилик биноларини, уй-жой массивларини рационал равишда жойлаштириш, электрлаштириш, сув таъминоти, йўл ва алоқа воситалари қуриш, колхозлар ва совхозларнинг аҳоли яшайдиган жойларини янада ривожлантириш кўзда тутилиши лозим.

Маҳаллий партия ва совет органлари қурилиш устидан контроллиқни кучайтиришлари ҳамда колхозларга ва совхозларга маҳаллий бинокорлик материаллари, буюмлари ва конструкциялари ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун ускуналар билан ҳамда колхозлараро қурилиш ташкилотларини мустаҳкамлашда зарур ёрдам бериб турсинлар.

СССР Госстройи ва СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги колхозлар ва совхозлар учун йиғма темир-бетон каркас ва маҳаллий бинокорлик материаллари ишлатиб қуриладиган, зона шароитларини ҳисобга олган ишлаб чиқарилиш, маданий-маиший ва уй-жой биноларининг энг тежамли типовой лойиҳаларини ишлаб чиқсинлар, қишлоқдаги қурилишнинг сифати устидан контроллик қилишни кучайтирсинлар.

СССР Госплани ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун механизмлар, қурилиш машиналари ҳамда қурилиш материаллари ва деталлар ишлаб чиқаришда керакли ускуналар, кўтаргич-транспорт воситалари ва колхозлар ҳамда совхозларда бўлган қишлоқ хўжалик машиналаригa керакли осма ускуналарни, қувурлар, санитария-техника ускуналари, ёғоч-тахта, цемент, шифер, мих, ойна ва эшик-дераза темир асбобларини ишлаб чиқариб, буларни колхозларга ва совхозларга қурилиш эҳтиёжлари учун етказиб беришни халқ хўжалигини ривожлантиришнинг йиллик планларида ҳар йили кўзда тутсин.

Қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш вазифалари колхозларга раҳбарлик қилишнинг ташкилий формаларини колхоз демократиясини янада ривожлантириш томон ўзгартиришни талаб қилади. Баъзи партия, совет ва қишлоқ хўжалик ходимлари колхозлараро бирлашмалар тузиш—районларда, областларда ва республикаларда колхоз союзлари тузиш ва шу билан бир вақтда қишлоқ хўжалик органларининг ишларини қайта қуриш яхши бўлур эди, деган фикрни айтмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети Президиумига бу масалаларни ўрганиш ва кўриб чиқиш топширилсин.

10. КПСС Марказий Комитети Пленуми иттифоқчи республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларига, ўлка, область, район, партия комитетларига, бошланғич партия ташкилотларига омма орасида олиб борилаётган ташкилотчилик ва сиёсий ишларнинг савиясини янада юқори кўтариш, коммунистлар, комсомоллар, колхозчилар, ишчиларнинг ва барча қишлоқ меҳнаткашларининг куч-ғайратини етти йиллик план топшириқларини муддатидан олдин бажаришга, ғалла, техника экинлари ҳосили, гўшт, сут, сабзавот, картошка ва бошқа маҳсулотлар етиштириш ҳамда уларни давлатга сотиш юзасидан олинган мажбуриятларни сўзсиз бажаришга сафарбар қилиш вазифасини юклайди.

Аҳоли орасида оммавий-сиёсий ишларни кенг авж олдириш ва бу ишларнинг савиясини ошириш жуда катта аҳамиятга эгадир. Партия ташкилотлари қишлоқ меҳнаткашларини меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш ва уларнинг онглилигини, активлигини, интизомини янада ошириш, кишилар онгидаги ўтмиш сарқитларини бартараф қилиш соҳасидаги ишларнинг ҳаммасини такомиллаштиришни таъминлашлари лозим. Маҳаллий партия органларига, колхозлар ва совхозларнинг бошланғич партия ташкилотларига аҳоли орасида олиб борилаётган оммавий-сиёсий ишларнинг ҳамма воситалари ва формаларидан фойдаланиш таклиф қилинсин, токи ҳар бир колхозчи ва совхоз ишчисининг, барча қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг КПСС XXI съездининг, КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорларини амалда рўёбга чиқариш ва етти йиллик планни муддатидан олдин бажариш учун совет халқи олиб бораётган умумий курашидаги ўз роли ва ўрнини равшан ва чуқур тушуниб олишига эришилсин.

11. Совхозларнинг ишлаб чиқариш фаолияти учун бошланғич партия ташкилотларининг масъулиятини ошириш мақсадида КПСС Марказий Комитетининг корхоналарда хўжалик фаолиятини контроль қилувчи комиссиялар тузиш тўғрисидаги 1959 йил 26 июндаги қарори совхозларнинг бошланғич партия ташкилотларига ҳам жорий қилинсин.

12. Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиб ишлатиш ва тарбиялаш ишларини янада яхшилаш, колхозлар ва совхозларни малакали ходимлар билан, қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришни кескин кўпайтириш соҳасида етти йиллик планда кўйилган конкрет вазифаларни муваффақиятли равишда амалга оширишда оммани жипслаштиришга, уюштиришга ва сафарбар қилишга лаёқатли бўлган серғайрат ва билимдон ташкилотчилар билан ҳар томонлама мустаҳкамлаш иттифоқчи республикалар Марказий Комитетларининг, ўлка, область ва район партия комитетларининг бундан буён ҳам асосий вазифаларидан бири бўлиб қолади, деб ҳисоблансин.

13. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми комсомол ташкилотлари ва барча ёшларимизнинг партия XXI съездининг ва КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг қарорларини амалда рўёбга чиқариш соҳасида қишлоқда катта ижодий иш олиб бораётганликларини мамнуният билан қайд қилади.

Рязань область комсомол ташкилоти йигит ва қизлардан 40 мингдан кўпроқ кишини чорвачилик фермаларига сут соғувчи, чўчқа боқувчи, бузоқ боқувчи, подачи, бригадир, ферма мудирлари бўлиб ишлаш учун юборди. Буларнинг кўплари ўрта маълумотга эга бўлган кишилардир ва улар ишни муваффақиятли равишда уддаламоқдалар, юксак ишлаб чиқариш кўрсатгичларига эришмоқдалар. Сибирь ва Қозоғистондаги қўриқ ерлар ўзлаштирилаётган районларнинг комсомол ташкилотлари катта иш қилмоқдалар. Брест областининг ва Белоруссиядаги бошқа областларнинг комсомоллари маккажўхори ўстиришда яхши муваффақиятларга эришдилар.

Партия ташкилотлари қишлоқ ёшларининг ижодий ташаббускорлигини ва активлигини қўллаб-қувватлашлари ҳамда ҳар томонлама ривожлантиришлари, қишлоқда комсомол ташкилотларининг ўсиши ва мустаҳкамланиши тўғрисида муттасил ғамхўрлик қилишлари, уларни хўжалик ва маданий қурилишнинг энг муҳим вазифаларини ҳал қилишга ғадилроқ тортишлари зарур.

14. Совхоз ишлаб чиқаришининг айниқса қўриқ ерлар ўзлаштирилган районларда анча ўсганлиги совхоз ишлаб чиқаришини юксалтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш учун курашда партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг ролини кучайтиради.

Совхозларнинг касаба союз ташкилотлари партия ташкилотларининг раҳбарлигида социалистик мусобақани кенг авж олдиришлари, доимий ишлаб чиқариш кенгашлари орқали ишлаб чиқаришни бошқаришда оммани ижодий активлигини бутун чоралар билан ривожлантиришлари, совхоз ишчиларига айниқса қўриқ ерлар ўзлаштирилаётган районларда маданий-маиший хизмат кўрсатишни янада яхшилашга эришмоқлари лозим.

15. Колхозлар, совхозлар, районлар, областлар ва республикалар ўртасида илғор тажрибаларни кенг равишда айирбошлаш, мусобақа натижаларини муттасил ҳисобга олиб бориш, мусобақанинг боришини матбуотда ва радио орқали систематик равишда ёритиб туриш билан социалистик мусобақани тўғри ташкил этиш етти йиллик план топшириқларини ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажаришнинг энг муҳим шартидир. Олинган мажбуриятларнинг бажарилишини оммa контроль қилиб туриши лозим. Партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг вазифаси шуки, ҳар етти йиллик планни муддатидан олдин бажариш учун умумхалқ мусобақасида қатнашаётганларнинг ижодий ташаббускорлигини ва активлигини бутун чоралар билан ривожлантиришлари, коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорлари ҳаракатини қизғин равишда қувватлашлари керак.

* * *

КПСС XXI съездидан кейин ўтган оз муддат ичида саноат, қишлоқ хўжалиги ва фанни ривожлантиришда, совет халқининг фаровонлигини оширишда янги катта муваффақиятлар йўлга киритилди. Мана шуларнинг ҳаммаси ишчилар, колхозчилар ва совет интеллигенцияси қаҳрамонона меҳнатининг, партиямизнинг жуда катта ижодий фаолиятининг натижасидир.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми қолхозчиларни, совхоз ишчиларини, қишлоқ хўжалик мутахассисларини, барча меҳнаткашларни, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларини ўзларининг ижодий ғайратларини етти йиллик план топшириқларини муддатидан олдин бажариш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини мўл-кўл қилиб етиштириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларни бажаришга қаратишга, мамлакатимизда коммунизм қуриш йўлидаги умумхалқ курашга ишига муносиб ҳисса қўшишга чақиради.

Рангли металлар ишлаб чиқариш, нефть чиқариш ва кимё саноати маҳсулотларининг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш планлари муддатидан илгари бажарилганлиги тўғрисида

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий Статистика Бошқармасининг ахбороти

I

СССР рангли металлургия ходимлари КПСС XXI съездининг ва КПСС Марказий Комитети июнь (1959 йил) Пленумининг тарихий қарорларидан илҳомланиб, етти йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириш асосида, рангли металларнинг энг муҳим хилларини ишлаб чиқариш юзасидан 1959 йил учун белгиланган планни муддатидан илгари, 27 декабрда бажардилар.

Йил охиригача пландан ташқари анча миқдорда тозаланган мис, кўрғошин, рух, никель, кобальт, қалайи, симоб ва бошқа рангли металлар ишлаб чиқарилади.

II.

Нефть саноати ходимлари КПСС XXI съездининг тарихий қарорларини муддатидан илгари бажариш учун курашиб социалистик мусобақа натижасида, 1959 йилги нефть чиқариш планини муддатидан илгари ,27 декабрда бажардилар.

Пландан ташқари бир ярим миллион тоннадан зиёд нефть чиқарилади.

III.

Кимё саноати ходимлари КПСС Марказий Комитети май (1958 йил) Пленумининг ва КПСС XXI съездининг қарорларини бажара бориб, социалистик мусобақани авж олдириш натижасида, кимё саноати маҳсулотларининг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш юзасидан 1959 йил учун белгиланган планни муддатидан илгари бажардилар. Каустик сода ишлаб чиқариш йиллик плани 25 декабрда, минерал ўғит ишлаб чиқариш йиллик плани 23 декабрда, автомобиль покришкалари ишлаб чиқариш йиллик плани 20 декабрда, сунъий ва синтетик тола ҳамда синтетик смола ва пластик массалар ишлаб чиқариш йиллик плани 27 декабрда, совунгарлиқ учун синтетик мойли кислоталар ишлаб чиқариш йиллик плани 30 ноябрда бажарилди.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий Статистика Бошқармаси

Энергетиклар муваффақияти

Октябрь революцияси номли Тошкент тепловоз-вагон ремонт заводининг энергетиклари электр энергияси тежаш бўйича республика саноат корхоналари ўртасидаги социалистик мусобақада яхши натижаларни қўлга киритиб келмоқдалар. Шу йилнинг II кварталида электр энергиясини иқтисод қилишдаги катта галабалари учун Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон касаба союзи Советининг иккинчи пул мукофотини олишга сазовор бўлган эдилар.

Бу мукофот энергетикларнинг кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшиб юборди. Уларнинг фидокорона меҳнати туфайли учинчи кварталда 326 минг киловатт-соат электр энергия тежалди.

КПСС Марказий Комитетининг халқ хўжалигида электр энергиясидан рационал фойдаланиш тўғрисидаги Хати корхона энергетикларини янги меҳнат зафарларига руҳлантирди. Электр энергияни тежаб-тергаб сарфлашни таъминлашга қаратилган бир қанча тадбирлар амалга оширилмоқда. Натижада октябрь ойида 201 минг киловатт-соат электр энергия тежалган бўлса, ноябрь ойида 260 минг киловатт-соат электр энергия тежалди.

Завод энергетиклари КПСС Марказий Комитетининг Хатига жавобан электр энергиядан унумли фойдаланишга қаратилган 5 та янги техника тадбирини ишлаб чиқаришга жорий этиш мажбуриятини олдилар.

Ж. ҚАҲМУДОВ.

5 МИЛЛИОН СЎМЛИК МАҲСУЛОТ

«Ўзбекуголь» комбинатига қарашли корхоналар коллективлари етти йилликнинг биринчи йилини катта ютуқлар билан якунламоқдалар. Ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш, янги техникани жорий қилиш ва прогрессив технологияни кенг қўлланиш натижасида кўмир қазиб чиқариш йиллик плани муддатидан бир неча кун илгари адо этилди. Айниқса, 9-шахта коллективининг меҳнати баракали бўлди. Шахтёрлар кўмир қазиб чиқариш топшириқларини ой сайин ошириб бажардилар. Улар илғор иш методларини қўлланиб, йиллик планни муддатидан 11 кун илгари адо этдилар ва етти йилликнинг иккинчи йили ҳисобига бир неча эшелон «қора олтин» қазиб чиқардилар. Кўмир разрези коллективи ҳам унумли ишлаб, йиллик планни ошириб бажарди.

Кўмир саноати корхоналарининг коллективлари йил охиригача яна 5 миллион сўмлик маҳсулот етказиб беришга аҳд қилдилар.

И. АҲМЕДОВ.

ХУШ ХАБАРЛАР

Оржоникидзе районидаги Собир Раҳимов номли артель коллективи фидокорона меҳнат қилиб, етти йилликнинг биринчи йили топшириғини муддатидан бир ой олдин 102 процент қилиб бажарди. Улар 11 ой мобайнида бутун 1958 йилдагига караганда 707 минг сўмлик кўп мебель ва 426 минг сўмлик кўп турли музика асбоблари ишлаб чиқардилар.

Меҳнатсевар коллектив ўз ички имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, йил охиригача пландан ташқари 700 минг сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳақида мажбурият олди.

С. МИРЗАЛИЕВ.

Пойтахтимиздаги толь фабрикаси коллективи цехларароо социалистик мусобақани авж олдириб, йиллик топшириқни муддатидан олдин — 20 декабрда бажарди. Улар йил охиригача пландагидан ташқари яна 10.600 рулон толь ишлаб чиқаришга қарор қилдилар.

Ш. КУЗАНБОЕВ.

Коллективимиз ҳам партиямиз Марказий Комитетининг Пленумига муносиб совға тайёрлади.

Етти йилликнинг биринчи йили топшириғини ҳаммадан илгари бажарган 5- ва 3-горизонтларнинг кончиларидан ўрнак олсак арзийди. 5-горизонтдаги коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари Ш. Омонов, Ш. Насриддинов, А. Қодиров ва 3- горизонтдаги М. Одилов бошлиқ комплекс бригада кончиларининг кунлик топшириқларини 1,5-2 бараварга етказиб бажараётирлар.

М. ҲАМДАМОВ,
Олтинтопган қўрғошин-рух комбинатининг ишчиси.

ОБЛАСТИМИЗ МЕҲНАТКАШЛАРИ КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ДЕКАБРЬ ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИНИ ҚИЗҒИН МАЪҚУЛЛАМОҚДАЛАР

Областимиз меҳнаткашлари бутун совет халқи сингари КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми материалларини зўр қизиқиш билан ўрганмоқдалар. Суратда: Калинин районидаги Карл Маркс номли колхоз сут-товар фермасининг мудири ўртоқ Ғофур Қоражонов чорвадорларга КПСС Марказий Комитети Пленуми қарорларини ўқиб бермоқда.

В. Кожевников ва М. Турсунхўжаев фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

Қишлоқ хўжалиги кадрларини тайёрлаш мактаби

Қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини яхши билган кадрлар тайёрлаш мақсадида 1948 йилда Тошкентда махсус ўрта мактаб ташкил қилинган эди. Ўтган йиллар ичида бу мактаб республикамизнинг колхоз ва совхозлари учун жуда кўп ишчан малакали раҳбарлар тайёрлаб берди. Мактабни битириб чиққан 2 минг 629 киши ҳозир Ўзбекистоннинг турли хўжаликларида пахтачилик, боғдорчилик, чорвачилик каби тармоқларни кескин ривожлантириш ишига ўзларининг ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Кадрлар тайёрлаш мактабининг 130 гектар тажриба участкаси бор. Ҳозирги кунда билим олаётган бўлажак раҳбарлар шу участкада қишлоқ хўжалигининг турли тармоқлари, хусусан пахтачилик билан яқиндан танишадилар. Олган назарий билимларини тажрибада мустаҳкамлайдилар.

Кейинги йилларда мактабда ўтказилаётган машғулотлар анча яхшиланди. Энди мактабни тамомлаб чиққан кишилар қишлоқ хўжалик техникасидан қандай қилиб фойдаланиш мумкинлигини ҳам яхши билиб олишди.

Мактабда 26 тажрибали мутахассис ўқитувчи бор. Улар ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигининг бўлажак кадрларини агротехника фани асослари билан, деҳқончиликда эришилган бой тажрибалар билан етарли қуроллантирмоқдалар. Мактаб ўқувчилари ўз ўқитувчилари раҳбарлигида Тошкент областининг илғор кўп тармоқли хўжаликларига тез-тез чиқиб, у ерда қишлоқ хўжалигини юксалтириш йўл-йўриқлари билан, бу соҳадаги илғор тажрибалар билан танишмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг яқиндагина ўз ишини тамомлаган Пленуми паҳтачиликни комплекс механизациялаш, қишлоқ хўжалигини кадрлар билан мустаҳкамлаш ҳақида муҳим тадбирлар белгилади. Қишлоқ хўжалик кадрларини тайёрлаш мактаби бу вазифани амалга оширишда катта роль ўйнайди. Тингловчилар назарий ва амалий машғулотлардан: ғўзани кетмон ишлатмасдан парвариш қилиш, ҳар бир гектар ер ҳисобига мўл ва арзон пахта тайёрлаш сингари ишларни пухта ўрганмоқдалар. Бу ишда уларга мактабнинг А. Мухторов, А. Ҳакимов, Н. Саъдуллаев, Т. Бобоев ўртоқлар сингари ўқитувчилари кўп йиллардан бери фидокорона ишлаб, қишлоқ хўжалигимиз ёш кадрларига яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Х. ШАРИПОВ.

Пойтахтимиздаги «Шарқ гули» артелида қўли гул чеварлар сони кун сайин ортиб бормоқда. Бунинг бойиси, артелдаги ҳар бир кекса ҳунарманд ёшларга ўз касбларини мукаммал ўргатишни шарафли бурч деб билади. Суратда: артелнинг кекса ишчиларидан (ўнгда) Мухаррам Валиева комсомол аъзоси Манзура Алимовага иш устида зарур маслаҳат бермоқда.

М. Турсунхўжаев фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

Ички резервлардан фойдаланиб

Етти йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун мусобақани авж олдириб юборган «Узглавсельстрой»га қарашли ёғоч буюмлари ишлаш комбинатининг коллективи ички резерв ва имкониятлардан фойдаланиб, ишлаб чиқариш планларини бажаришда дуруст натижаларга эришмоқда. Ишчилар етти йилликнинг биринчи йили планини муддатидан деярлик 10 кун илгари адо этиб, қурилишларга қўшимча равишда юзларча минг сўмлик эшик, дераза рамлари ва бошқа дурадгорлик буюмлари жўнатдилар.

Социалистик мусобақада 2- цех коллективи илғорликни қўлдан бой бермаётир. Меҳнат интизомига қатъий амал қилиш, материалларни тежаб-тергаб сарфлаш натижасида цех коллективи юқори кўрсаткичларга эришмоқда. Ўтган ойларда планга қўшимча равишда 250 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Рационализатор ва ихтирочилар планнинг муваффақиятли бажарилишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Шу йилнинг ўтган ойлари ичида 50 дан ортиқ таклиф тушди. Бу таклифларнинг ишлаб чиқаришга жорий қилиниши корхонага ўнларча минг сўмлик фойда келтирмоқда. Ишчилардан Б. Степанов, Е. Иброҳимов, Д. Карасов ўртоқлар ана шундай актив янгилик изловчилар ҳисобланади.

И. РУСТАМОВ.

Қишки ишлар жадал бормоқда

ОРЖОНИКИДЗЕ. «Қизил Ўзбекистон» колхози аъзолари КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми қарорларини зўр қизиқиш билан муҳокама қилмоқдалар. Эълон қилинган Пленум ҳужжатлари пахтакорларнинг кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшди. Улар 930 гектар пахта майдонини аллақачон шудгорлаб қўйган эдилар. Энди бошқа қишки ишлар жадал бораётир.

Колхозда, айниқса маҳаллий ўғит тўплаш иши яхши йўлга қўйилган. Бу ишда шоферлардан Давулбой Нишонбоев, Ҳошим Ҳасанов, аравакашлардан Қамбар Норбоев, Карим Тўлаганов ўртоқлар актив қатнашиб бошқаларга намуна бўлмоқдалар. Шофер ва аравакашларнинг фидокорона меҳнати туфайли ҳозиргача далага 20 минг тонна ўғит чиқарилди.

Ҳозир қишки ишларда қатнашаётган кишиларнинг ҳаммаси кунлик иш топшириқларини ортиқ билан бажаришга эришаётир.

Ш. ШЕРАЛИЕВ.

Хўжалигимиз янада юксалади

Бу йил бўлимимизда ҳосил мўл бўлди. Янги ўзлаштирилган 280 гектар ердан 428 тонна ҳосил кўтардик. Ишчиларимиз эришилган бу дастлабки ютуқни янада мустаҳкамлашга аҳд қилганлар. КПСС Марказий Комитетининг Москвада бўлиб ўтган декабрь Пленуми материалларида қишлоқ хўжалигини янада юксалтиришнинг йўллари кўрсатиб берилди. Биз ана шу кўрсатмаларга амал қилиб, пахта ҳосилдорлигини тинмай ошириш тадбирларини белгилаб чиқмоқдамиз.

Келгуси йил мўл ҳосилга тайёргарлик ҳар тарафлама кучайтириб юборилди. Бўлимимизда ҳаммаси бўлиб 1980 гектар экин майдони бор. Етти йилликнинг охирига бориб шу ерларнинг камида 1400 гектарини пахта майдонига айлантиришимиз лозим. Шу мақсадда янги ерларни очиш ишлари авж олдирилди. Скреперчилар, бульдозерчилар ғайрат билан ишга киришиб кетдилар.

Келаси йили 700 гектар ерга экин экамиз. Бунинг учун эса 350 гектар янги ер очилади. Шундан 475 гектар ерда пахта етиштирилади, 150 гектар ерга беда, 30 гектар ерга маккажўхори экилади. Етти йилликнинг иккинчи йилида давлатга кам деганда 1000 тонна пахта сотишни планлаштирганмиз. Шунга яраша тайёргарлик кўрмоқдамиз. Еримизни кузда шудгор қилиб қўйдик. Ҳозирги кунда ариқ-зовурлар тозаланаётир. Трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини ремонт қилишни тез кунда тугаллаймиз.

Партия ва ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таннархини камайтириш тўғрисидаги кўрсатмаларига амал қилиб, келаси йили мумкин қадар оз меҳнат сарф қилиб, кўп пахта етиштириш учун курашамиз. Бунинг учун техникадан кенг фойдаланамиз. Барча майдонга квадрат-уялаб чигит экиб, ғўзани икки томонлама ишлаймиз. Ҳосилни асосан машинада йиғиб оламиз. Шу мақсадда ғўзани машина теримига мослаштириб ўстирамиз.

Янги ўзлаштирилаётган ерларда шўр ювиш ишларини ҳам кучайтириб юбордик.

Бўлимимиз коллективи совхоз ишчиларининг пахтадан мўл ҳосил етиштириш йўлида олиб бораётган курашларига муносиб ҳисса қўшадилар.

А. МАМАСОЛИЕВ,
Сирдарё районидаги «Гулистон» совхози 2-бўлимининг бошлиғи.

Гулистон районидаги Ленин номли колхознинг ремонт устахонасида иш қизғин бормоқда. Механизаторлар, ремонтчилар қишлоқ хўжалик техникасини кўкламга тахт қилиб қўйиш учун курашиб кундалик топшириқларини ортиқ билан бажармоқдалар. Суратда: колхоз устахонасининг илғор токари ўртоқ Абдурасул Алибоев.

Қ. Розиқов фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

Калинин районидаги Карл Маркс номли колхознинг сут согувчиси Шарифа Набихонова соғин сигирлардан ёздагидек сут соғиб олиш учун курашмоқда. Шарифа ўзига бириктирилган 14 бош соғин сигирнинг ҳар биридан ҳозиргача 5235 килограммдан ошириб сут соғиб олди. Суратда: ўртоқ Шарифа Набихонова.

В. Кожевников фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

ЯНГИ ҚОНУН АМАЛДА

УҚУВЧИЛАР БРИГАДАЛАРИГА ЭЪТИБОРНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

Шу кунларда совет мактаби ўз тараққиётида янги бир даврни бошдан кечирмоқда. СССР Олий Совети томонидан қабул қилинган «Мактабнинг турмуш билан боғланишини мустаҳкамлаш ва СССРда халқ маорифи системасини янада ривожлантириш ҳақидаги Қонун»да совет мактабида ёш авлодни тарбиялаш соҳасида кўп йиллар давомида олиб борилаётган тажрибалар умумлаштирилди, бу соҳадаги камчиликлар очиб ташланди ва мамлакатимизда халқ маорифи системасини қайта қуриш йўллари белгилаб берилди.

Ўрта ва олий мактабни қайта қуриш соҳасида партия ва ҳукумат томонидан белгиланган тадбирларда таълим-тарбия ишларини фойдали меҳнат билан қўшиб олиб бориш ва бунда ёш авлодни тарбиялаш савиясини кўтариш кўзда тутилган.

Совет ўрта мактаби янги шароитларда маълумотли, фан асосларини эгаллаган, шу билан бирга доимий жисмоний меҳнатга лаёқатли кишиларни тарбиялаб етиштириши, ёшларда жамият учун фойдали бўлиш, моддий бойликлар ишлаб чиқаришда актив қатнашиш учун интилиш майдларини кучайтириши лозим.

Кейинги йилларда область мактаблари турмуш билан, коммунистик қурилиш практикаси билан алоқани мустаҳкамлаш соҳасида бир қадар тажриба тўпладилар. Мактаб билан турмуш ўртасидаги алоқани мустаҳкамлашнинг энг қулай формаларидан бири қишлоқ жойларда ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш бригадаларини ташкил қилишдир.

Социалистик мамлакатда меҳнат иш манбаигина бўлиб қолмасдан, айни вақтда илҳом манбаи ҳамдир, чунки кишилар ишлаб чиқариш жараёнида ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам муносабатларида бўладилар, меҳнат самаралари эса кишиларнинг доимо ўсиб борувчи эҳтиёжларини қоплаш учун сарфланади. В. И. Ленин коммунизм социализмнинг юқори босқичи бўлиб, унда кишилар умум фойдасига ишлашнинг зарурлигини англаб меҳнат қиладилар деб кўрсатган эди. В. И. Ленининг фикрича, коммунистик меҳнат ихтиёрий, эвазига ҳеч нарса олинмаслан, умум фойдаси йўлида ишлашни одатгусига киритган соғлом организмнинг зарурий эҳтиёжидир.

Меҳнатни жамиятдаги ҳамма аъзолар учун энг биринчи ҳаётий заруриятга айлантириш учун зарур моддий база яратиш билан бирга узоқ муддатли тарбиявий ишлар олиб бориш ҳам керак.

Ёшлар мактабда олган билимларини бойитиш учун саноат корхоналари ва колхоз, совхоз далаларида фойдали меҳнат билан шуғулланиб, ҳозирги замон ишлаб чиқаришнинг асослари ҳақида тўлиқроқ билимга эга бўладилар.

Колхоз ва совхозларда ташкил этилган ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш бригадалари ўқувчиларни меҳнатга жалб этишнинг қулай формасидир. Бу бригадалар асосан юқори синф ўқувчиларидан тузилди. Колхоз ва совхозлар уларга ер участкаси, техника ажратиб бердилар. Ўқув программасига мувофиқ ўқувчилар қишлоқ хўжалиги ишлари комплекси билан шуғулландилар. Улар меҳнатда тарбияланадилар, интизомли бўладилар ва қишлоқ хўжалиги усталари бўлиб етишиш учун ҳаракат қиладилар. Ўқувчилар бригадаларининг фаолияти рангба-рангдир. Улар пахта, жўхори экадилар. Пилла қурти боқадилар, дарахтларни парвариш қиладилар, чорвачилик билан шуғулланадилар.

Областдаги биринчи ўқувчилар бригадаси Янгийўл районидаги 15-мактабда ташкил этилган. Ўқувчилар бригадаси ташкил этиш масаласи мактаб коллективи, «XIX партсъезд» колхози вакиллари иштирокида бўлган умумий мажлисда муҳокама қилинди. Бригада ихтиёрийлик принципи асосида тузилди. Бригадага киришни истаган ҳар бир ўқувчи комсомол комитетига ариза беради. Бу мактабнинг ўқувчилар бригадаси комплекс бригада бўлиб, пахта экиб парвариш қилади, пиллачилик билан, боғдорчилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Ишни ташкил этишда ўқувчиларнинг ёшлари ҳисобга олинади. 5, 6, 7-синф ўқувчилари боғдорчилик бригадасига, 7, 8-синф ўқувчилари пиллачилик ва 8, 9-синф ўқувчилари пахтачилик бригадаларига олинадилар. Ҳозирги вақтда ўқувчилар бригадаларида 170 ўқувчи бор. 1958 йилда бригада 10 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30,4 центнердан пахта, ҳар бир қути уруғдан 107 килограммдан пилла етиштирди. Колхоз правлениеси бригадага колхоз агрономини бириктириб қўйди. Агроном биология ўқитувчиси билан бирга агротехника планини ишлаб чиқди. Бригада аъзолари дала ишларини агротехника қоидаларига риоя қилган ҳолда олиб борадилар. Мактаб қисқа муддат ичида қишлоқ хўжалиги машиналарини бошқарувчи 55 мутахассис етиштириб чиқарди. Мактабни тамомлаган 200 ўқувчи ўз колхозида ишга қолди.

Ўрта Чирчиқ районидаги 22-мактабда комсомол ташкилотининг ташаббуси билан ўқувчилар бригадаси ташкил этилди. Бригада 25 гектар ерга пахта экиб, унинг ҳар бир гектаридан 34 центнердан пахта етиштирди.

Верхне-волинск районидаги 1-мактабни олиб кўрайлик. Бу мактабнинг ўқувчилар бригадаси 1958 йилда ташкил этилган бўлиб, унга 32 гектар ер биркитилган эди. Меҳнатнинг яхши ташкил этилганлиги натижасида ҳар гектаридан 30 центнердан пахта олинди. Маккажўхорикорлар бригадаси эса 55 гектар қўриқ ер очиб, ҳар гектаридан 650 центнердан кўкпоя етиштирди. Лавлагикорлар эса ҳар гектаридан 125 центнердан ҳосил олдилар.

Ўқувчиларнинг бригада ва звеноларда меҳнат қилишлари уларнинг ўзлаштиришларига ҳам ижобий таъсир этди. Умумий таълим предметларига бўлган қизиқиш кучайди, интизом мустаҳкамланди. Ўқувчилар физика, математика, кимё, биологияни яхши билмай туриб, мураккаб машиналарни ҳайдаш, илғор агротехникани ва зоотехникани эгаллаш мумкин эмаслигини тушундилар.

1959 йилда область мактабларида 356 ўқувчилар бригадаси тузилган бўлиб, уларга 13805 ўқувчи жалб этилди. Бу бригадалар учун 5348 гектар ер ажратиб берилди. Шундан 3285 гектарига пахта, 1148 гектарига маккажўхори, 252 гектарига сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари экилди.

ЎзЛКСМ Тошкент область комитети ўқувчилар бригадалари ишининг кенг қулоч ёйишини ҳисобга олиб, ҳар йили ёш қуён боқувчилар, боғдорлар, чорвадорлар, пахтакорлар ва пиллачиларнинг конкурсларини ўтказмоқда. Бу тадбирлар мактабларнинг ташаббусини янада ривожлантиришга ёрдам қилиш билан бирга, энг илғор ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаларини аниқлашга ҳам имкон беради.

1959 йил апрель ойида Янгийўл шаҳрида илғор ўқувчилар бригадалари вакилларининг биринчи слети бўлиб ўтди. Слет қатнашчилари саккиз йиллик ва ўрта мактабларнинг ҳаммасида ўқувчилар бригадалари тузишга эришиш, барча қишлоқ хўжалиги экинлари маҳсулотларидан юқори ҳосил олиш, пиллачиликка озуқа базаси яратиш мақсадида камида 5 миллион туп тут кўчати ўтказиш, ҳар бир мактабда қуёнчилик бригадаси ташкил этиш, кояхоз ва совхозларга 4 минг гектар боғ ва узумзор яратишга ёрдам бериш ҳақида мажбурият олдилар. Слет қатнашчилари якдиллик билан ўқувчилар бригадалари аъзоларининг колхоз ва совхоз далаларида ишлаб, ўз меҳнатлари билан ватан учун фойда келтираётганликларини, айни вақтда ўз билимларини бойитиб, меҳнат кўникмалари ҳосил қилаётганликларини айтдилар.

Республикадаги мактабларда ташкил этилган ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаларининг тажрибаси бу форманинг нақадар қулай ва қаётий эканлигини кўрсатади.

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Ўртоқ Н. С. Хрушчев ВЛКСМнинг XIII съездида сўзлаган нутқида совет мактаби ҳар тарафлама маълумотли, фан асосларини пухта эгаллаган ва шу билан бирга доимий меҳнатга қобилиятли кишиларни тарбиялаши лозим эканлигини кўрсатиб ўтган эди. Ўзбекистон мактабларида ташкил этилган ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаларининг тажрибаси ўқувчиларни ёшликдан меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялашнинг нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Ўқувчилар бригадасининг асосий вазифаси юксак иқтисодий кўрсаткичларга эришишдангина иборат бўлиб қолмай, балки ёш авлодни тарбиялашда муҳим роль ўйнаши керак. Бригадалардаги иш маданий дам олиш, бадиий ҳаваскорлик ишларини кенг йўлга қўйиш билан қўшиб олиб борилмоқда. Бу эса ёшларнинг маънавий ва жисмоний жиҳатдан ўсишларига ёрдам бермоқда.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев Ставрополь ўлкасига Ленин ордени топширар экан, ставрополликларнинг оммавий тарзда ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадалари тузиш ҳақидаги ташаббусига юқори баҳо берди. Ўртоқ Хрушчев ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадалари тузиш катта давлат аҳамиятига эга бўлган иш эканлигини қайд қилиб, партия ташкилотларининг уларга раҳбарлик қилиши, ҳар тарафлама ёрдам бериши ва малакали қишлоқ хўжалиги ходимлари етиштириш учун ҳамма чораларни кўришлари зарурлигини таъкидлади.

Ўқувчилар бригадаларини кўпайтириш ва уларнинг ишини яхшилаш учун бир қанча масалаларни ҳал қилиш лозим. Дастлаб партия ташкилотлари ўқувчилар бригадаларини зарур моддий ишлаб чиқариш базаси бўлган жойларда тузиш учун курашишлари керак.

Ўқувчилар бригадаларини дастлаб ўрта мактабларда ҳамда янги саккиз йиллик мактабларда ташкил қилиш лозим. Бу бригадаларнинг аъзолари 6-10-синф ўқувчиларидан бўлиши керак. Ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаларининг тажрибалари асосида ўқувчилар бригадалари ҳақида ягона низом ишлаб чиқиш зарур. Низомда қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларидаги ишларнинг ўзига хос томонлари акс этган бўлиши, бригада аъзоларининг дала ишларида қатнашиш тартиблари уларнинг ёшларга қараб тўғри баён қилинган бўлиши керак.

Ҳар тарафлама ўйлаб тузилган низомда ер, техника, меҳнатга ҳақ тўлаш, иш нормаси, иш муддати каби масалалар равшан ҳал қилинган бўлиши лозим. Ўқувчилар бригадаларининг аъзолари учун иш вақти белгилашда уларнинг ўқишлари ва дам олишларини кўзда тутиш шарт. Низомнинг лойиҳаси тасдиқланишдан олдин ўқитувчилар, колхоз активлари, ўқувчилар ва ота-оналардан иборат кенг жамоатчилик ўртасида ҳар тарафлама муҳокама қилиниши мақсадга мувофиқдир.

Ишлаб чиқариш бригадаларига уюшмаган мактаб ўқувчилари ҳар йили колхоз ва совхозларда пахта териш ишларида актив қатнашмоқдалар. Бу ҳолларда ўқувчиларнинг пахта териш соҳасидаги ишлари мактаб томонидан ташкил этилмайди. Улар катталар билан бирга ишлайдилар. Ўқувчиларнинг ишини синф, звено принципи асосида ташкилий равишда ўтказиш, уларга ўқитувчиларни раҳбар қилиб қўйиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Ҳозир партия, совет, жамоат ташкилотлари ва халқ маорифи бўлимлари олдида мактабни қайта қуриш билан боғлиқ бўлган бир қатор жуда муҳим вазифалар турибди. Областдаги намунали ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадалари ташкил этган мактабларнинг тажрибасини кенг ёйиш зарур.

Ш. САЛОМОВА,
КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академиясининг аспиранти.

МИННАТДОРЛИК

Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, профессор — Ольга Николаевна Павлова Правда, Аллон ва Иқтисод мақалаларидаги ўз сайловчилари билан тез-тез учрашиб туради. Депутат Ольга Николаевна ҳар ойда бир марта сайловчиларни қабул қилади. У сайловчиларнинг талаб ва наказларини диққат билан тинглайди, фойдали маслаҳатлар беради. Ариза ва шикоятларни тегишли ташкилотлар олдига қўйиб, масалани сайловчиларнинг манфаатини кўзлаб ҳал этишга астойдил ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам сайловчилар уни ҳурмат қиладилар.

Депутатимиз сайловчилар томонидан берилган наказларнинг қандай бажарилаётганлиги ҳақида маълумот бериш мақсадида сайловчиларга тез-тез ҳисоб бериб туради. Сайловдан кейин маҳалларараро бир неча ҳисобот йиғилишлари ўтказилди. Ҳар қайси ҳисобот йиғилишида 170—200 сайловчи қатнашади. Кейинги вақтларда сайловчилардан турли масалалар юзасида 70 дан ортиқ ариза ва наказлар тушган эди. Буларнинг кўплари бажарилди. Чунончи, Аллон маҳалласида учта артезиан қудуғи қазиб берилди, аҳолига хизмат кўрсатаётган автобус қатнови тартибга солинди, Куйбишев номли мактабга автозал қуришда ёрдам берилди, айрим кўча ва тупиклларга шағал тўкилиб, асфальт ётқизилди.

Ольга Николаевна сайловчилар, айниқса кам пенсия оладиган пенсионерлар ва бошқа кексалар ҳақида ғамхўрлик қилмоқда, Уларга пенсияларини ошириш ва нафақа тайинлашда яқиндан ёрдам бермоқда. Шу туфайли сайловчилар ўз депутатлари Ольга Николаевна Павловадан беҳад миннатдор эканликларини изҳор қилмоқдалар.

Ж. ШЕРМУҲАМЕДОВ.

Болалар хурсанд бўлишади

Ҳозир пойтахтимиздаги деярлик ҳамма маданий муассасалар қишки каникул даврида пионер ва ўқувчиларга яхши маданий хизмат кўрсатиш тараддудини кўрмоқдалар.

Республика қўғирчоқ театри Янги йилда болаларга «Ўрмондаги ҳодиса»; «Билмасвойнинг саргузаштлари», «Шурочка — снегурочка», «Бор экану-йўқ экан, икки қиз яшаган экан» каби янги спектакларни совға қиладилар.

Театрда каникул кунларида юздан ортиқ спектакль кўрсатилади. Бундан ташқари ижодий коллектив пойтахтимиздаги саноат корхоналари, пионер саройлари ва уйлари, болалар боғчаси ва ўнлаб мактабларга бориб, болалар арча байрамини қизитишади.

Ш. ШЕРАЛИЕВ.

КОЛХОЗ РАДИОУЗЕЛИ

Оржоникидзе районидаги Хрушчев номли колхозда бундан етти йил муқаддам янги радиоузел қурилиб, ишга туширилган эди. Дастлабки даврда бу радиоузел 216 точкага хизмат қилган. Старший техник Шомурод Умаров, техник-назоратчилар Абдулла Абдураззоқов, Раҳмат Сайдаҳмедов ўртоқлар янги радиоузелни қуриш ва колхозчи хонадонларига радиоточкалари туширишда актив қатнашган эдилар.

Ҳозир радиоузел мудири бўлиб ишлаётган Шомурод ака техник-назоратчилар Абдулла ва Раҳматлар билан биргаликда радиоузел ишини яхши йўлга қўйган. Шу кунларда 636 колхозчи хонадонида радиоточкалари бор. Колхознинг ҳамма дала шийпонлари, ферма ва кўчаларга баланд овозли радиокарнайлар ўрнатилган. Шу кунларда колхознинг



марказдан узоқ бўлган участкасини радиолаштириш ишлари олиб борилмоқда. 1960 йилда узоқ участкада яшовчи 200 дан ортиқ колхозчи хонадонида радиорепродукторлар янграйди.

Бу ерда колхозчиларга маданий хизмат кўрсатиш ҳам намунали йўлга қўйилган. Радиоузелнинг маҳаллий эшиттиришлар программаси колхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ Тошматов билан бамаслаҳат тузилади. Радиоузелдан пленкага ёзиб олинган энг яхши қўшиқ ва музикалар эшиттирилади. Шу билан бирга, вақти-вақти билан қишлоқ хўжалиги, бола тарбияси, медицина ва бошқа темалар да маҳаллий фактлар билан боғлаб лекция ҳамда суҳбатлар берилиб туради. Колхозчиларнинг қишлоқ хўжалиги артелини ривожлантиришга бағишланган муҳим йиғилишлари ҳам радиоузел орқали олиб эшиттирилади.

Колхоз радиоузели хизматидан ҳамма хонадонлар мамнун. Шуни ҳам айтиш керакки, техник-назоратчилар ҳар бир хонадондаги радиорепродукторнинг яхши ишлашини доим кузатиб турадилар. **Суратларда: 1. Радиоузел мудири Ш. Умаров техник-назоратчи Р. Сайдаҳмедовга линияни текшириб кўриш юзасидан топшириқ бермоқда. 2. А. Абдураззоқов эшиттиришни бошқармоқда. 3. Р. Сайдаҳмедов линияларни текшириб кўрмоқда.**

В. Салов фотолари.

ЯНГИ ЙИЛ КЕЧАСИГА 40 ХИЛ ТАОМ

Шу кунларда Тошкент ресторанларига кирган киши ўзгача ҳаракатни кўради. Бир ёқда хилма-хил маҳсулотлар келтирилаётир, кассада заявкалар қабул қилинмоқда, бир неча киши янги йил арчасини безаш билан банд.

— Янги йилни кутиб олувчилар учун 35 та стол тайёрлаб қўйдик,— дейди «Зарафшон» ресторанининг директори С. Шермотов.— Шу куни ресторанда 40 хилдан ортиқ овқат тайёрланади. Ҳар бир стол дастурхони 12—13 хил совуқ закуска, 2—3 хил иссиқ овқат ҳамда олма, лимон, мандарин ва бошқа мевалар, шунингдек хилма хил ширинликлар, парранда гўштлари ва ичимликлар билан тўлади.

Ресторанда Янги йил кутувчи улфатлар учун ҳамма нарса муҳайё бўлади. Улар лаззатли таомларни истеъмол қилиш билан бирга, истаганларича ўйнаб-кулишлари мумкин. Безатилган катта арча атрофида кўнгил очар ўйинлар ташкил қилинади. Джаз-оркестр концерт беради. Ресторан буфети эса тонг отгунча ишлаб туради.

Ресторан коллективи Янги йил шодиёнасида фақатгина ресторанда хизмат қилмай, балки шаҳар меҳнаткашларининг таклифномаларига мувофиқ уйларга бориб янги йил столини ҳам безаб беришлари мумкин.

Пойтахтимиздаги «Тошкент», «Шарқ», «Баҳор», «Гулистон» ва «Октябрь» каби йирик ресторанлар ҳам Янги йил кечасида ўз хўрандаларига ва шаҳар аҳолисига намунали маиший хизмат кўрсатадилар.

С. МУСАЕВ.

ЛЕКЦИЯ ПРОПАГАНДАСИНИНГ ТАЪСИРЧАНЛИГИ УЧУН

Яқинда сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи Тошкент область жамиятининг учинчи пленуми бўлиб ўтди. Пленумда жамият раиси, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги академиясининг академиги ўртоқ Маннонов «КПСС Марказий Комитетининг Бутуниттифоқ сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи жамият ишини яхшилаш тадбирлари тўғрисидаги қарори муносабати билан жамиятнинг область бўлими ишини яхшилаш тадбирлари тўғрисида» доклад қилди.

Доклад юзасидан музокарага чиққан жамиятнинг Олмалиқ шаҳар бўлимининг масъул секретари ўртоқ Савченко, Чиноз район бўлимининг масъул секретари ўртоқ Мақсудов ва бошқа нотиқлар жамият ишидаги йўл қўйилган камчиликларни жиддий танқид қилдилар ва лекция пропагандасининг таъсирчанлигини янада ошириш кераклигини кўрсатиб ўтдилар. Сўзга чиққан ўртоқлар ўқилаётган ҳар бир лекция, доклад ва суҳбатнинг мазмуни чуқур ва тушунарли бўлишлигини, коммунистик қурилишнинг амалий вазифалари билан чамбарчас боғлиқ бўлишлигини таъкидладилар. Пленумда Жамият ишини янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида кенг резолюция қабул қилинди.

Пленумда ташкилий масала ҳам кўрилди. Ўртоқ Ш. Тошпўлатов Жамиятнинг масъул секретари қилиб сайланди.

Р. МАТҚОСИМОВ.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Бугун кундузи Тошкентда ва Тошкент областида ҳаво бироз бултли бўлиши, ёғингарчилик бўлмаслиги кутилади. Эрталаб туман тушади. 5—7 даража ўртасида совуқ бўлади.

Чет элларда

ЮКСАК ДОИРАДА КЕНГАШ ЧАҚИРИЛИШИ АНИҚ БЎЛИБ ҚОЛДИ

ЛОНДОН, 27 декабрь. (ТАСС). Юксак доирада Парижда кенгаш чақиришга Совет ҳукумати розилик берганлиги тўғрисидаги хабарни Англияда зўр мамнуният билан кутиб олдилар. «Санди таймс» деган якшанбалик газета ўзининг редакцион мақоласида «Ғарб ҳукуматлари бошлиқларининг Парижда учрашиш тўғрисидаги таклифини Хрушчев қабул қилганлиги ҳақидаги хабар жуда қувончли хабардир» деб ёзади. Газетанинг уқтириб ёзишича, «музокаралар олиб бориш йўлида мураккаб проблемалар ҳали кўп. Бироқ буюк давлатлар бу йўлга қатъий равишда тушиб олдилар, шунинг учун ҳам жаҳон 1960 йилга умид билан бормоқда».

Шу газетанинг дипломатик обзорчиси Николас Керрол Совет ҳукумати бошлиғининг жавоб хатларида «Етилган халқаро масалаларни давлат арбобларининг энг юксак доирада учрашувларини ўтказиш йўли билангина энг амалий равишда ҳал қилиш мумкин» деб айтилган гапларга алоҳида эътибор бермоқда.

Якшанбалик газеталар обзорчиларининг кўпчилиги юксак доирада ўтказиладиган кенгаш шу хилда ўтказиладиган бир қанча учрашувларнинг биринчиси бўлади, деб таъкидламоқдалар. Яхши янгиликлардан хабар қилган Н. С. Хрушчев хати, деб ёзади «Обсервер» газетасининг дипломатик обзорчиси «Лондонда зўр хурсандчилик билан кутиб олинди, Хрушчевнинг бир қанча кенгашлар ўтказиш принципини қабул қилганлигига Лондонда алоҳида аҳамият бермоқдалар».

«Санди экспресс» газетаси юксак доирада ўтказиладиган кенгашни табриклаб, янги йил катта умидворлик вазиятида бошланмоқда ёки ҳар ҳолда катта умид қилмоқ учун асосли сабаблар бор» деб ёзади.

ҲИНДИСТОН ВИЦЕ-ПРЕЗИДЕНТИ СОВЕТ ПАВИЛЬОНИНИ БОРИБ КЎРДИ

ДЕҲЛИ, 27 декабрь. (ТАСС). Бугун Ҳиндистон вице-президенти Сарвапалли Радхакришнан Халқаро қишлоқ хўжалик виставкасидаги Совет Иттифоқи павильонини бориб кўрди. Вице-президент Ернинг совет йўлдошлари макетларини, Совет-Ҳиндистон дўстлигининг мустаҳкамланиб бораётганини кўрсатувчи фотопаннолларни кўздан кечирди, совет қишлоқ хўжалигининг ривожланишини акс эттирувчи экспонатлар билан қизиқиб танишди.

Радхакришнан павильондан кетаётганида ўзига ҳамроҳ бўлган совет расмий кишиларига павильон экспонатларини кўздан кечириш вақтида берган изоҳлари учун самимий ташаккур айтди.

СОВЕТ-ИРОҚ ҲАМКОРЛИГИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

БАҒДОД, 27 декабрь. (ТАСС). Бугун Бағдодда Ироқ миллий саноати учун малакали кадрлар тайёрловчи илмий марказларни ташкил қилишда Совет Иттифоқининг Ироқ Республикасига техника ёрдами бериш ҳақида битим имзоланди.

Битимга мувофиқ, Ироқда ҳозирги замон ускуналари, ўқув кабинетлари ва лабораториялари бўлган 10 профессионал-техника маркази ташкил қилинади. Бу эса ҳар бир илмий марказга малакали техник кадрлар тайёрлашгагина эмас, балки Ироқ Республикаси учун зарур бўлган ҳар хил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ҳам имкон беради.

Битимни: Совет томонидан — СССР Министрлар Советининг Профессионал-техника таълими Давлат комитети раиси Г. И. Зеленко, Ироқ томонидан — Маориф министри Моҳиддин Абдил Ҳамид имзоладилар.

Ироқ матбуоти техника ҳамкорлиги тўғрисида Совет-Ироқ битимининг имзоланишини табриклаб, унинг мамлакат экономикасини ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини уқтириб кўрсатмоқда.

«Совет Иттифоқи билан тузилган битим хўжаликнинг турли соҳаларида республикамиз катта аҳтиёж сезаётган мутахассисларни тайёрлаш ишида Ироққа қимматли ёрдам кўрсатишига ҳеч қандай шубҳа йўқ,— деб ёзади «Алахбор» газетаси.

БАҒДОДДА ИРОҚ ХАЛҚИНИНГ ДУШМАНЛАРИ УСТИДАН СУД БОШЛАНДИ

БАҒДОД, 27 декабрь. (ТАСС). Ироқ бош министри Абдулкарим Қосим қаётига қилинган суиқасд иштирокчиларининг иши юзасидан кеча Бағдодда Ироқ республикасининг олий ҳарбий судида полковник Фодил Аббос Маҳдавий раислиги остида суд бошланди.

Давлат ҳарбий қораловчиси полковник Мажид Амин томонидан трибунал мажлисида ўқиб эшиттирилган айбномага биноан фитна қатнашчиларидан 78 айбланувчи суд қилинади.

Айбдорлардан 57 киши бевосита суд қилинмоқда, фитна иштирокчиларидан 21 киши сиртдан суд қилинмоқда.

Ироқ республикаси олий ҳарбий судининг айбномасида бундай дейилади: тергов давомида аниқланишига кўра, бош министр Абдулкарим Қосим ҳаётига қилинган суиқасд империалистлар ва уларнинг Яқин Шарқдаги агентларининг актив иштирокида ички реакция кучлари томонидан олдиндан ва пухта тайёрланган.

Суд қилинаётган айбланувчилар орасида Баас реакцион миллий партиясининг атоқли арбоблари бор. Фитначилар чет эллардан молия ёрдами ва қурол-яроғ олиб турганлар. Айбномада, жумладан, фитначларнинг Эрон ва Иордания ҳукмрон доиралари билан алоқада бўлганликлари кўрсатиб ўтилади.

Редактор: З. ЕСЕНБОЕВ.

Тошкент янгиликлари

НОВАТОРЛАР КАШФИЁТИ

Кабель заводида 250-сим-прокат станини тубдан қайта ускуналаш иши тугалланди. Бу станнинг қуввати икки баравардан зиёд ошди. Станни қайта қуришда прокатка қилишнинг ҳамма процессларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш асосий мақсад қилиб қўйилди. Маҳаллий новаторларнинг чертёжлари бўйича бевосита заводда 20 дан ортиқ махсус узел ва мосламалар тайёрланди. Натижада қўл меҳнати тугатилиб, прокат қилиш тезлиги секундига бир метрдан кўпроқ ортди.

Станнинг унумдорлигини оширишда уни оғирлаштирилган қуймалар прокати учун қайта ускуналаш муҳим роль ўйнади. Тошкент кабелчиларининг илтимосига мувофиқ, Сталинодаги аллюминий заводи қуймаларнинг стандарт ҳажмини ўзгартириб, ҳар бир қуйманинг оғирлигини 40 килограммгача кўпайтирди. Бундан кейинги қайта ускуналаш 55 килограммлик қуймаларни прокат қилиш учун станларни тайёрлаш имкониятини берди. Бундай ҳомашё тажриба учун қайта ишлаб кўрилганда станнинг фойдали машина вақти яна 20 процент ортди.

— Станнинг тубдан қайта ускуналаниши, — деди заводнинг бош инженери К. И. Костигов УзТАГ мухбирига, — мисни алюминий билан алмаштириш соҳасида бизнинг заводимиздан ташқари кабель саноатидаги бошқа саккизта корхона учун ҳам қулайлик туғдирди.

ШОИРГА ЁДГОРЛИК

Севикли шоиримиз Ҳамид Олимжон туғилган кунга 50 йил тўлиши муносабати билан бўладиган юбилей яқинлашиб қолди. Шу муносабат билан Тошкентдаги қардошлар мозорида оташин ўзбек шоири, олим ва актив жамоат арбоби Ҳамид Олимжон қабри устига ёдгорлик — ҳайкал ўрнатилди. Ҳайкални очиш маросимига ўзбек ёзувчилари ва жуда кўп жамоатчилик вакиллари тўпландилар. Суратда: бахт қўйчиси Ҳамид Олимжонга қўйилган ҳайкалнинг очилиш маросими.

М. Нуриддинов фотоси.

Биринчи кенг экранли

«Иккинчи баҳор» — «Ўзбекфильм» киностудияси ишлаб чиқарган биринчи кенг экранли бадиий фильм шундай аталади. Бу фильм республикамиз меҳнаткашларининг қўриқ ва бўз ерларни гулистонга айлантириши, Марказий Фарғонадаги қўриқ очувчиларнинг матонати ҳақида ҳикоя қилади.

Фильмни талантли режиссёр Латиф Файзиев Александр Крепс сценарийси асосида яратган. Янги бадиий фильмдаги асосий ролларни Олим Хўжаев, Раззоқ Ҳамроев, Лутфи Саримсоқова, Зайтуна Тожибоева каби таниқли артистлар ижро этганлар.

Кенг экранли «Ватан» кинотеатрида бу фильмнинг премьераси бўлиб ўтди. Сеанс бошланишидан олдин фильмда иштирок этган артистлар тамошабинлар билан учрашдилар. Постановкачи режиссёр Л. Файзиев фильмнинг яратилиши, яратга олиниши ҳақида батафсил гапириб берди.

Кенг экранли бадиий фильмнинг яратилиши ўзбек кино санъаткорларининг катта ижодий ютуғидир.

„ТОҒА-ЖИЯНЛАР“

Спектаклдан бир кўриниш. Суратда: (чапдан) Асал — артистка И. Алиева, Боқи «бегам» — Ўзбекистон ССР халқ артисти С. Табибуллаев, Соқи «сумбат» — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ғ. Аъзамов.

М. Нуриддинов фотоси.

Ҳамза номли ўзбек давлат академик драма театри коллективи Янги йил арафасида пойтахт тамошабинларига яхши совға тайёрлади.

Ўтган якшанба куни театрда янги «Тоға-жиянлар» спектакли кўрсатилди. Бу замонавий темадаги асар шоир Рамз Бобожоннинг биринчи комедиясидир. Унда қурилиш-монтаж бошқармасидаги ишлар, бинокор ишчилар ҳаёти тасвирланган.

Янги комедияни Ўзбекистон ССР халқ артисти Амин Турдиев постановка қилган. Бош ролларни театрнинг етук артистлари Л. Назруллаев, Н. Раҳимов, С. Табибуллаев, З. Ҳидоятова, Ғ. Аъзамов ва бошқалар яратганлар.

ҲАМЗА АСАРЛАРИНИНГ ЮБИЛЕЙ НАШРИ

Ўзбек совет адабиётнинг асосчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий туғилган кунининг етмиш йиллиги муносабати билан республика Давлат бадиий адабиёт нашриёти Ҳамза асарларининг юбилей тўпламларини босиб чиқарди. Рус тилида нашр этилган шундай тўпламлардан бирига Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи», «Паранжи сирлари», «Заҳарли ҳаёт» пьесалари, шунингдек, ўлмас шеърлари ва бошқа асарлари киритилган. Рус ва ўзбек тилларида нашр этилган «Ҳамза қўшиқлари» тўпламаси шоир ва драматургнинг энг яхши музика асарларини ўз ичига олган.

Шунингдек, М. Раҳмоновнинг «Ҳамза ва ўзбек театри», Ф. Каромановнинг «Ҳамза ва ўзбек совет музикаси» китоблари ҳам нашр этилди. Бу китобларда истеъдодли машҳур ёзувчининг кўп қиррали ижодига тўлиқ анализ берилган.

Телевизор экранида

29 ДЕКАБРДА

19.30. Мактаб ёшигача бўлган болалар учун мультипликацион фильм.

19.50. Сўнгги ахборот.

20.05. Рус тилида адабий эшиттириш.

20.35. Бадиий фильм — «Она қалби» (ўзбек тилида).

22.15. «Музиканли Тошкент» деган концерт-очерк.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 29/XII да премьера **Тоға-жиянлар** (билетлар сотилган), 30/XII да **Юрак ёнмоғи керак** (билетлар сотилган).

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 29/XIIда **Майсаранинг иши**, 30/XII да **Маскарад** (билетлар сотилган).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 29/XII да **Фарғона ҳикояси**, 30/XII да **Нурхон**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 30/XII кеч соат 8 да **«Айиқлар цирки»** аттракциони. Айиқларни ўргатувчи — РСФСР халқ артисти **Валентин Филатов**.

Лукашидаги жанжал—«ВАТАН» (кундуз ва кечқурун).

Граждан Брих — «ВАТАН» (кундуз соат 4-40 минут ва кеч 6-20 минутда).

Насриддин Хўжандда — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Калта шим кийган одам — «ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Биринчи ранг кашфи — НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10-20 минут, кундуз 12 ва кеч 10 яримда), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10, кундуз 12, 2 ва кеч 8 да).

Юқори табақага кириш йўли — «ИСКРА» (3-залда кеч соат 10-25 минутда), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 4, кеч 6-15 минут ва 10 да), «СПУТНИК» (кундуз соат 1 ярим ва кеч 7 яримда).

Телба — КОММУНА УЙИ (кундуз соат 2, кеч 6 ва 10 да).

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА 31 декабрда

концерт

Концертда: СССР халқ артистлари, Сталин мукофоти лауреатлари **Ҳалима Носирова, Мукаррама Турғунбоева**, Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Карим Зокиров, Саттор Ярашев, Насим Ҳошимов**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Ксения Давидова, Ҳалима Комилова, Гулнора Маваева, Клара Юсупова, Жамол Низомхўжаев** ва театр солистлари қатнашади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

мактаб ўқувчиларининг каникул кунларида

1 январдан 10 январгача

А Р Ч А

„Айиқлар кўргани борамиз“

Энг йирик совет аттракциони

„Айиқлар цирки“

иштирокида

КАТТА БАЙРАМ ТАМОШАЛАРИ

Тамошалар кундуз соат 1, 4 ва кеч 8 да бошланади. Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 26. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140. Пропаганда бўлими — 34808, 136. Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040,135. Саноат ва транспорт бўлими маданият бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 34048, 132. Секретариат — 29040, 50. Эълонлар бўлими — 33142.

Р. 10595. «Қизил Ўзбекистон» «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. Б-1024.